

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I боб. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланишининг назарий-услубий асослари.....	9
1. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти.....	9
2. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ўрни.....	20
3. Ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари бозорининг ҳолати.....	34
I боб бўйича хулоса.....	41
II боб. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиш ҳолати ва таҳлили.....	42
1. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	42
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг аҳамияти.....	46
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларни тадбиқ қилишдаги мавжуд муаммолар.....	52
II боб бўйича хулоса.....	54
III боб. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг истиқболлари.....	55
1. Ўзбекистон Республикасида жорий қилинаётган «Электрон ҳукумат» тизими лойиҳасининг асосий йўналишлари	62
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш йўналишлари.....	67

3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида “Электрон ҳукумат” тизими доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни тадбиқ қилишдан олинадиган иқтисодий самара.....	67
	Шбоб бўйича хулоса.....	77
	Хулоса.....	79
	Адабиётлар рўйхати.....	84
	Илова.....	89

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ахбороткоммуникация технологияларининг кенг ривожланиши, компьютерлаштириш охирги ўн йилликлардаги дунё ривожланишидаги глобал тенденция ҳисобланади. Динамик ривожланаётган ҳозирги дунёда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий ўсишнинг локомотиви ҳисобланади, мамлакатга инвестициялар жалб қилинишига, янги иш ўринлари яратилишига, ишлаб чиқариш ва бошқаришда илғор технологияларни илгари суришда кўмаклашади; ахборот айирбошlashда, бозор қатнашчилари ўртасида битимлар тузишда харажатларни қисқартирадиган восита бўлади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Президент И.А.Каримов томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларнинг умуман янгилигини эътиборга олиб, уни нима эканлиги ва қандай қилиб жорий этса кўпроқ самарага эришиш мумкинлигини тушуниб етиш жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истикболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини

жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига кўшилишимиз зарур”.¹

Кенг кўламли баёнолда Президент Ҳукуматни мамлакатнинг ижтимоий, маданий ва иқтисодий келажагини қўллаб-қувватлашга қаратилган ахборот-коммуникация технологияларини қабул қилиш ҳамда тарқатишни тезлаштириш стратегиясини ишлаб чиқишга чақирди.

Президент ташаббуси йирик стратегик ўзгаришларга сигнал бўлиб хизмат қилди. Ҳукумат ҳозирда ривожланиш юзасидан белгиланган ўз мақсадларига эришиш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан камраб олиш муҳимлигини чуқур ҳис қилади. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, турмуш даражасини яхшилаш, маданият соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, замонавий инфратузилмани шакиллантириш, ҳамда кундалик ҳаётга кенг кўламда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан сезиларли равишда тезлашади.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларисоҳаси шиддатли ривожланаётган ва янги ахборот-коммуникация хизматларининг ўрни тобора ошиб бораётган бир вақтда уларни жорий этиш этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, шубҳасиз, долзарблик касб этади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформациялашуви шароитида ахборот тизимларини ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларларни амалга ошириш механизмлари ва уларни жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара, ҳамда давлат бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқот предмети ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизими тадқиқот объекти сифатида кўрилади.

¹¹Каримов И. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 19 январь 2013 й.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган ишлар, лойиҳалардаги мавжуд методларини тизимга солиш, ўрганиш, такомиллаштиришнинг асосий йўлларини белгилаш ва уларни самарали бошқариш ҳисобланади.

Бу мақсадга эришиш, қуйдагиларни ўз ичига оловчи бир қатор ўзаро боғлиқ вазифалар қўйилишини ва уларнинг ҳал этилишини талаб қилади:

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ташкилий ўзига хос хусусиятларини, ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва йўналишларини аниқлаш;

- ахборот-коммуникация технология тизимини ривожланишига қаратилган лойиҳаларни амалга оширишнинг алоҳида методларини ўрганиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги амалга оширалаётган лойиҳаларни такомиллаштиришга қаратилган методик ёндошувлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мамлакатимизда жорий этилаётган “Элекирон ҳукумат” тизими концепциясини таҳлил қилиш ва таҳлил асосида олинган натижаларни амалиётда тадбиқ қилиш. Ахборотлаштириш даврида «Электрон ҳукумат» тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлайдиган воситасидир.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини шаклланиши, бошқариш ва режалаштириш масалаларини ҳал этишга кўплаб олимларнинг мақолалари бағишланган, жумладан хориж олимларидан И.Голубицкая, И.Ансоф, В.Беренс, В.Н.Бугорский, А.Г.Бирман, М.Бромвич, Д.Гильдер, М.А.Горелик, Л.Д.Рейман каби олим ва мутахассисларнинг илмий мақола ва ишларида ўз ифодасини топган,

мамлакатимиз олимлари орасида Ж.Абдуллаев, А.Арипов, Р.Исаев, М.Махмудов, Т.Иминов, Х.Мухитдинов, Х.Мирзохидовларнинг ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бироқ бу муаммонинг қатор жиҳатлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Жумладан иқтисодий ислоҳ қилиш шароитида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш концепциясини яратиш, ахборот-коммуникация технология тизимларини ривожлантириш, мазкур йўналишда ташкилий-иқтисодий методларини такомиллаштириш масалалари охиргача ишлаб чиқилмаган. Диссертация иши айнан шу муаммони ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

- қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив актлар, ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ижроия органларининг ҳужжатлари, халқаро электралокалитети раёнининг материаллари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида минтақавий ҳамкорликка аъзо давлатларнинг ҳисобот ҳужжатлари, ихтисослаштирилган нашрларда эълон қилинган бошқа материаллар;

- иқтисодий назария, бошқариш, маркетинг ва менежмент назариясининг асосий қоидалари;

- мамлакат ва хориж олимларининг ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятига ва ахборот-коммуникация технология хизматлари орқали ахборотлашган жамият куриш ва такомиллаштиришни тадбиқ қилишга бағишланган илмий ишлари.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

“Электрон ҳукумат” тизимини амалга ошириш иқтисодий самара келтирадиган лойиҳалар ва комплекс дастурларни ишлаб чиқишда, ундан ташқари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳақидаги иқтисодий китоблар, ўқув қўлланмалар яратишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- жорий этилаётган “Электрон ҳукумат” тизими доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича салоҳият мавжудлиги аниқланди ва жорий этиш сиёсатни амалга оширишнинг йўллари илмий асосланди;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди, ҳамда жорий қилиш натижасида иқтисодий самарадорлика эришилиши аниқланди;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.Мазкур магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, 9 параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланишининг назарий-услубий асослари

1. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш-нинг иқтисодий моҳияти.

БМТ томонидан ХХІ аср ахборот асри деб тан олинди. Шубҳасиз ҳозирги даврда кундалик ҳаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларишиддат билан кириб бормоқда. Миллий иқтисодиётимизда ахборот-коммуникация технологиялари нафақат инфратузилманинг бир қисми, балки юқори кўрсаткичлар билан ривожланаётган тармоқлардан бирига айланди.

ХVІасрда яшаб ижод этган буюк иқтисодчиларидан бири Адам Смит ўз асарларида иқтисодий ўсиш омилларини шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, жамиятнинг иқтисодий ривожланиши куйидаги омилларҳисобига юз беради:

- меҳнат тақсимоти;
- капиталнинг тўпланиши;
- технологик жараён;
- «кўринмас қўл» амал қила оладиган барқарор меъёрий-ҳуқуқий муҳит;
- турли мамлакатлар билан ўзаро эркин равишда савдо қилиш тизими ва б.

Адам Смит иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмининг асосий омили сифатида капитални тўпланиши ва фойдаланишни кўрган. Капиталнинг ўсиши ўз навбатида ишлаб чиқаришни ўсишига олиб келади деб фикр юритган.

Иқтисодий ўсишнинг замонавий назарияси иқтисодий ўсиш жараёнига таъсир қиладиган омилларга қўшимчалар қўшди. Авваламбор,

иқтисодий ўсиш омилларига «инсон капитали»омили қўшилди. «Инсон капитали» омили ибораси остида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган инсонларнинг билим ва кўникмалари тушунилади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўшимча капитал қўйилмалари мавжуд бўлмаган шароитда янги билим ва малакадан фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкинлигини эътироф этиш мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг таъминловчи яна бир омил сифатида инновацияларни қабул қилиш таклиф қилинган.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ўсишнинг омилларини аниқлаш жараёнидаги тадқиқотларда асосий омилларидан бири сифатида ахборот омилини кўрстиш мумкин.

Инсоният цивилизациясининг замонавий босқичини ахборот ва билимларни қайта ишлай оладиган ахборотлашган жамият деб таърифлашади. Бундай жараён ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали эришилади. Бу ўз навбатида улар билан ишлаш учун билим, ахборот ва техник восита, ҳамда методларни талаб қилади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ахборот, билим, фан, инсоннинг интеллектуал қобилияти, ташаббускорлиги, ижоди ва шу кабилар, барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосига айланмоқда.

Хорижлик ва маҳаллий олим-мутахассисларнинг баъзилари алоқа соҳасининг назарий масалаларига тўхталиб, соҳага умумий ёндошган ҳолда таъриф ва тавсиф беришган. Масалан, Россиялик олим ва мутахассис Л.Д.Рейман ахборотлаштириш ва телекоммуникацияларни биргаликдаги конвергенциясини кўради ва уларни «инфокоммуникациялар» деб атади ¹ . Унинг таърифига кўра «инфокоммуникациялар» - бу замонавий ахборот, компьютер ва ахборот технологияларининг биргаликдаги тўплами бўлиб, уларнинг бошвазифаси

¹Рейман Л.Д. ва б. «Инфокоммуникации в деловом мире». - М.: «Фиорд-инфо», 2001. с-31.

ташкilotлар ва аҳолига алоқа ва коммуникация маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишдир.

Мамлакатимиз олимларидан А.Н.Арипов эса ўз илмий тадқиқотлари давомида асосан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг бошқарув тизими тамойилларига тўхталиб ўтган.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси инсон фаолиятининг барча жабҳаларига кириб бормоқда ва уларни янги шароит ва усулларга мослашишга мажбур қилмоқда. Ахборотга асосланган, ҳамда маданий ва маънавий кадриятлар билан мувофиқликда бўлган билимлар мустақил кучга айланиб, ижтимоий, иқтисодий, технологик ва маданий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди. Глобал ахборотлашган жамият шаклланимоқда, билимларга асосланган иқтисодиёт ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларнинг улкан интеллектуал ресурслари тобора ривожланишига туртки бўлган ҳолда, уларнинг бутун дунё интеллектуал салоҳиятига тезроққўшилишини таъминламоқда.

Дунёнинг юксак ривожланган етакчи мамлакатлари ахборот-коммуникация технологияларисоҳаси миллий хўжаликнинг иқтисодий конъюнктура таъсири остида бўлмаган энг динамик соҳаси ҳисобланади. Уларнинг ривожланиш тенденциялари шунда яққол кўринадики, ахборот оқимларининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан камида икки баробар юқоридир. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш даражаси-миллий иқтисодиёт соғломлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳанинг ўзини янада жадалроқ ривожлантиришни тақозо этади. Чунончи, бугунги кунда Россиянинг 1% иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологияларисоҳасининг 3% ўсишига эришиш зарур бўлади. Бу эса ахборот-коммуникация технологиялари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини

таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб қолишининг асосий шартларидан биридир.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хусусийлаштиришнинг, рақобат ва тўғридан-тўғри чет эли инвестицияларининг афзалликларини тушуниб, улардан фойдаланаётган мамлакатлар сони тобора ортиб боргани сайин, соҳанинг динамикаси, ривожланиши ва халқаро тус олиши кенгайиб бормокда. Майда миллий бозорлар борган сари бошқа мамлакатларнинг бозорлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда, бу эса технологиялар тезкорлик билан алмашилиши ва рақобат ривожланишига шарт-шароит яратмоқда.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси турли абонент ва мижозларга хизмат кўрсатиши билан бирга, давлат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган стратегик аҳамиятга ҳам эга.¹

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади жамият эҳтиёжлари, ҳамдаюзага келган давлат ахборотлаштириш сиёсати билан белгиланадиган асосий йўналишлар, усуллар ва вазифаларни акс эттиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- ахборот-коммуникация технологиялари ролини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик устуворлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида белгилаб қўйиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиётнинг ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида жорий этиш ва қўлланиш жараёнларини тартибга солиш;

Ахборот-коммуникация технологиялари миллий иқтисодиётнинг ўсиши ва самарадорлигига таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Бундай таъсирнинг бир қанча энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

¹Рейман Л.Д. “Совершенствование государственного регулирования отраслительской коммуникации”. СП.:2000, стр. 60.

- дунё бозорларининг глобаллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ролини ошириш;

- номоддий ишлаб чиқаришнинг янги илмий қўламли тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

- ҳўжалик ресурсларидан фойдаланишни самарали қилиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш воситаси сифатида алоқа тармоғи ролини кучайтириш.

Шу ўринда юқорида айтиб ўтилган фикрларни давом эттириб шуни айтиш мумкинки, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мантикий натижаси бўлиб, ахборотлашган жамиятни барпо этишга йўналтирилган “Электрон ҳукумат” тизимни жорий қилинишидир.

Ахборотлаштириш ва ялпи глобаллашув даврида “Электрон ҳукумат” (e-Governance) тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ажойиб воситасидир.¹

e-Governance – electronic governance, «Электрон ҳукумат» ибораси учун инглиз тилида умумий қабул қилинган қисқартиришлардан бири.

Инсоният ҳамжамияти томонидан тўпланган, хусусий бизнесдан менежментнинг самарали тизимларини трансформация қилиш тажрибаси, давлат бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилишнинг дастлабки қадамига олиб келганлиги магистрлик диссертация тадқиқоти учун жиддий амалий аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг технологик инқилоблари ва улар билан бирга кечган рақобат кучайиши давридасамарали менежментни таъминлашга қодир бўлган воситаларга кучли эҳтиёж сезилди. Замонавий ахборот технологиялари мана шундай воситаларга айланди.

¹ Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари. Арипов А.И., Мирхоҳидов Х.М. ва бошқалар. Т.: UNDP. 2005.

Ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини жорий этишда давлат бошқарувжараёнларини оптималлаштирилиши зарур бўлади. Ҳукумат даражасида ахбороттехнологиялари жорий этилиши технологияни ҳам, психологияни ҳам, давлат билан бошқарув субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам кўп даражада ўзгартиради.

Ахборотлаштиришнинг афзалликлари аён кўриниб турибдики – удавлат аппарати ходимларининг ижодий салоҳиятини бошқарувнинг асосий функцияси – тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратиш имкониятини бериб бошқарув аппаратини тўплаш, жамлаш ва унга дастлабки ишлов бериш бўйича кўплаб эскирган функциялар бажарилишидан бевосита озод қилишга олиб келади.

Ахборот технологияларининг замонавий имкониятлари бошқарувнинг «анъанавий инсон бажарадиган» схемаларида тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган операциялар бажарилишига йўл қўйиб, қарор қабул қилиш тартиб-қоидасини тубдан ўзгартириш имконини беради.

Давлат бошқарув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари – бу нафақат давлат бошқарувининг тегишли сифат даражасида ахборот-техник ташкил этилишидир. Бу шунингдек исталган мамлакатнинг жамиятида мавжуд бўлган муносабатлар ва алоқани сифат жиҳатидан бошқача ташкил этиш ва бошқариш ҳамдир.¹

Соддалаштирилган шаклда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини уч муҳим субъектнинг (булар – давлат, мамлакат фуқаролари ва бизнес субъектлари – ҳар хил тижорат ташкилотлари) муносабатлари динамика тенглиги шаклида тасаввур қилиш мумкин. Фуқаролар жам бўлиб фуқаролик жамиятини ифодалайди, бизнес субъектларининг жами эса – мамлакат иқтисодиётини ифодалайди, давлат эса интеграцияловчи тизим ҳисобланади.

¹Рейман Л.Д. “Совершенствование государственного регулирования отраслительской коммуникации”. СП.:2000, стр. 60.

Давлатнинг интеграцияловчи роли бунда уҳта нимтизимлимуносабатларда намоён бўлади:

- ҳукумат муассасаларининг ўзаро ва маҳаллий давлат бошқаруворганлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши (governmenttogovernment, ёкижаҳонда умумий қабул қилинган аббревиатура – G2G);

- ҳукумат муассасалари билан мамлакат фуқаролари ўртасидагиўзаро алоқа (governmenttocitizens– G2C);

- ҳукуматмуассасаларибиланбизнессубъектлариўртасидагиўзароалоқа(governmenttobusiness– G2B).

“Электрон ҳукумат”тизимини жорий қилишдан асосий мақсад давлат бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашишдан иборат. Шу муносабати билан Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини яратишда муҳим вазият бўлиб, “Электрон ҳукумат” концепцияси ёки стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.¹

Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш концепциясини асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Марказий ҳукуматнинг етакчилик роли. Ҳукумат давлат бошқарув органларининг фуқаролар билан ўзаро алоқаси учун фуқароларга улкан қулайликлар яратишдан манфаатдор бўлиши керак, ҳамда давлат ва жамиятни ахборотлаштиришда етакчилик ролини ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши керак. Бу шуниси билан аҳамиятлики, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ҳозирги мавжуд давлат бошқарув тизими жараёнларини реинжиниринги бўлиб ҳисобланади.

Ахборот очиклиги ва кенг қамровни таъминланиши. Инновациянинг ҳисобига ахборотни олиш ва фойдаланиш имконини яратиш. Шу билан

¹ Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари. Арипов А.И., Мирхоҳидов Х.М. ва бошқалар. Т.: UNDP. 2005.

бирга, ҳукумат томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар турини кенгайтириш ва аҳолини барча қатламига шу хизматлар кўратиш таъминланишини зарур.

Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун йўналганлик. Давлат органлари фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилишлари керак.

Турли хил давлат хизматлари интеграциясини амалга ошириш. Давлат хизматлари тўлиқ интеграциялашган тизим доирасида тақдим қилиниши зарур. Бу ўз навбатида давлат идораларининг веб-сайтларини бирлаштирадиган ва давлат идоралари маълумотлар базасини интеграциясини амалга оширадиган ягона ҳукумат портални яратишни назарда тутди.

“Электрон ҳукумат” тизимни жорий қилишга комплекс ёндашиш натижаси бўлиб, қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Давлат боқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари турли бўғинлари билан ўзаро ахборот алмашиш жараёнини оптималлаштириш, ҳамда ҳужжатлар тайёрлаш сифатини ошириш, ахборотни қайта ишлаш бўйича самарасиз тизимларини соддалаштириш ва интеграциясини амалга ошириш, фуқаролар ва бизнес субъектларига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва бу жараёнларни амалга оширишда юзага келадиган харажатларни қисқартириш орқали давлат бошқарув аппарати фаолиятини такомиллаштириш.

2. Бошқариш учун сарфланадиган бюджет харажатларини оптималлаштириш, ҳамда одатий жараёнлар бўлган ахборотни излаш, маълумотномалар, ҳисоботлар, таҳлиллар тайёрлаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига сарфланадиган маблағларни қисқартирган ҳолда харажатларни камайтириш. Давлат бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигининг оширилиши натижасида олингадиган бевосита иқтисодий самара қайта ишлаш мурожатларнинг сонини ошиши, йиғиладиган солиқларнинг ҳажмини ошиши ва шу кабилар орқали

ифодалаш мумкин.

3. Давлат эҳтиёжлари учун тендер харидларни ўтказиш учун электрон шакл ва механизмларни жорий қилиш ва ресурсларни танлов асосида тақсимлаш(харид қилинаётган ресурслар нархини пасайтириш ва бюджет харажатларини камайтириш) орқали иқтисодий самарага эришиш.

4. Коррупция эҳтимолини камайтириш.

“Электрон ҳукумат” тизимини яратиш бўйича тўртта фундаментал ёндашувлар мавжуд:

Умуммиллий ёндашув, юқоридан пастга принципи бўйича – бу ёндашувда “Электрон ҳукумат” тизими дастури марказий ҳукумат томонидан умуммиллий даражада амалга оширилади. Бунда марказий ҳукумат давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳаракатини мувофиқлаштиради.

Миллий – автоном (параллел) ёндашув – турли даражадаги давлат бошқарув органлари ҳукуматнинг марказий аппарати томонидан минимал зарур стратегик режалаштириш, қўллаб қувватлаш ва мувофиқлаштирилиши асосида мустақил равишда “Электрон ҳукумат” тизими элементларини яратиш бўйича ташаббусларни ишлаб чиқишади ва амалга оширишади.

Субмиллий ёндашув, пастдан юқорига принципи асосида – бу ёндашувда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш таклифи билан чиқишади, бу ўз навбатида марказий ҳокимият томонидан умуммиллий сиёсат даражасига олиб чиқилади.

Субмиллий-автоном ёндашув – “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш бўйича дастурлар давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, лекин бу жараён марказий ҳокимиятнинг шу соҳадаги сиёсатига сезиларли таъсир ўтказмайди.

“Электрон ҳукумат” тизимини яратишдан мақсад:

- давлат томонидан аҳолига ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ва фойдаланиш қулайлигини ошириш, ушбу хизматларни кўрсатиш учун талаб қилинадиган вақтни ва жараёнларни қисқартириш, аҳоли ва ташкилотлар томонидан хизматлардан фойдаланиш жараёнида фуқароларга хизмат кўрсатишни ягона стандартини жорий қилган ҳолда сарфланадиган маъмурий харажатларни қисқартириш;

- давлат бошқарув органи фаолиятини ёритадиган ахборотларни очиқлик даражасини ошириш ва ушбу ахборотлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш, ҳамда давлат бошқарув органларининг барча бўғинларида қабул қилинаётган қарорларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнларида фуқаролар, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштирокини таъминлаш;

- маъмурий-бошқарув жараёнларини сифатини ошириш, давлат бошқарув органларининг барча бўғинларида қабул қилинаётган қарорларни ахборот-таҳлилий таъминоти тизимини такомиллаштириш, давлат бошқарув органлари фаолиятининг натижавийлигини назорат қилишни тўлиқлиги ва тезкорлигини таъминлаш, электрон ҳукумат тизими фаолият юритиш жараёнида ахборот хавфсизлиги талаб даражасини таъминлаш.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- давлат бошқарув органлари фаолиятига фуқаролар ва ташкилотларни замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган ҳолда ушбу давлат бошқарув органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан масофадан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган воситаларни кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

- ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган идоралараро автоматлаштирилган ахборот алмашинуви тизими, ҳамда давлат бошқарув органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқасини таъминлайдиган ягона инфратузилма яратиш асосида Интернет тармоғи ва кўпфункционали

марказлардан фойдаланган ҳолда, давлат хизматларини кўрсатиш;

- ҳимояланган идоралараро электрон ҳужжат алмашинув тизимини яратиш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича давлат бошқарув органлари фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш ягона тизимини яратиш доирасида ҳар бир идоранинг бошқарув ҳисоби ва режалаштириш ахборот тизимини жорий қилиш;

- давлат ахборот тизимларида мавжуд ахборотларни йиғиш, сақлаш ва тақдим қилиш, давлат бошқарув органлари, фуқаролар ва ташкилотлар билан электрон шаклда ахборот алмашиш жараёни ва тартибини, ҳамда давлат ахборот тизимларидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш.

2. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ўрни

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси миллий иқтисодиёт соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва халқ ҳўжалигининг алоқа хизматлари ва воситаларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги алоқа бу - шахс ва жамиятнинг турли кўринишдаги ахборотларни алмашишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Фаровонликни ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири бўлиб бормокда.

Ахборот-коммуникация технологиялари умумий инфратузилманинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ҳамда ва истеъмолчилар билан алоқанинг кучли базаси ҳисобланади. Улар истеъмолчиларнинг бир-бирларига уланишларини ҳам, маълумотларни узатиш жараёнини ҳам тезлаштиради. Амалий баҳолаш-лардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ахборот-коммуникация технология соҳаси Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг фоятмуҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ислохотлар бошидаёқ чет эл инвестицияларини фаол жалб қилишга, хорижнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этишга катта аҳамият берилди. Мазкур жараён асосан инвестицияларни рағбатлантириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришда чет эл инвестициялари ва компанияларининг халқаро бирлашмалари катта ўрин тутди. Кейинги пайтларда амалга оширилаётган симсиз алоқа технологияларига ўтиш рақобатни ривожлантиришга, ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш даврида ахборот-

коммуникация технологиялари соҳасига мамлакатимиз ва чет эл фирмаларини жалб этишга кўмаклашади. Кенг миқёсли рақобатга тармоқларга улаш учун ижарага олинган каналлар ва тарифлардан фойдаланишни тегишлича тартибга солиш ҳисобига эришилиши мумкин.

Мамлакатимизда янгиланиш даври талабларидан келиб чиқиб, Президент И.А.Каримов Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида телекоммуникация технологиялари бозорини келгусида ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидладилар: «Телерадио индустрия бозорини ривожлантириш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Ўйлайманки, ҳозирги ахборот-коммуникация ва компьютер асрида, Интернет кунданкунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, ҳамда одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»¹.


Фаровонликни ошириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланадиган ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири бўлиб бормоқда.

Ахборотлаштиришни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш,

¹И.А.Каримов. Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир».номли маъруза. Ўқув услубий мажмуа. Т.:2010.

фуқароларни ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошишига олиб келмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини Республиканинг ЯИМдаги улуши қуйидаги расмда келтирилган.




1.2.1- расм. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини Ўзбекистон Республиканинг ЯИМдаги улуши, млрд. сўм¹

Юқоридаги расмда кўриш мумкинки, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг ЯИМда 3,04% ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 0,05% га кам бўлса ҳам, лекин соҳанинг ўзи 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 22,5% га ўсишга эришди. Бунинг сабаби миллий иқтисодиётнинг бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ЯИМда катта улушга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида йилдан-йилга миллий иқтисодиётнинг турли секторида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиб борилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига, бошқарув тизимини такомиллаштирилишига, алоҳида компанияларда ва иқтисодиёт секторларида ҳисобга олиш, ҳамда ҳисоботнинг оптимал тизимларини яратишга бўлган таъсирини таҳлил қилиш, унинг юқори самарадорлигини кўрсатди.




1.2.2–расм. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати¹

Юқоридаги расмдан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимизда телекоммуникация технологияларидан фаол фойдаланилмоқда. Сифатли алоқа ва Интернет хизматлари, қулай тарифлар абонентлар сонини ўсишига олиб келади. Ҳозирда мамлакатимизда Интернет

¹Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари.

фойдаланувчилари 10 миллиондан ортди. Шуниси аҳамиятлики бу Интернет фойдаланувчиларнинг кўп қисми кенг полосали телекоммуникация хизматлари фойдаланувчиларидир.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда ахборот жамияти сари интилишга, унинг учун замин яратишга, ҳамда уни шакиллантириш шарт-шароитларига қаратилган. Бундай стратегия Ўзбекистон Республикасига тўла ҳуқуқли ҳамкор сифатида жаҳон иқтисодий маконига қўшилиш имконини беради. Ахборот-коммуникация технологияларифуқароларга ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш имконини беради, ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонликни ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қилади.



1.2.3-расм. “Ўзбектелеком” АК халқаро Интернет ресурсларига уланиш каналидан фойдаланиш бўйича хизмат нархлари, АҚШ долл¹

Юқоридаги расмда шуни кўриш мумкинки, 2010 йилда “Uztelecom” АК томонидан Интернет провайдерлар учун бериладиган тарифлар ягона

¹“Uztelecom” акционерлик компания маълумотлари

тарифга ўтилиши, ҳамда 2010 йилдан ҳозиргача Интернет ягона тарифни 3 бараваргача камайиши бевосита аҳолига Интернет хизматларини арзонлашиши ва бунинг натижасида Интернет тармоғидан кўпроқ фойдаланишига олиб келди.

Ҳозирги шароитда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”.¹


Мамлакатимиз томонидан ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан телекоммуникация тармоғида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва мамлакат иқтисодиётини жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари салоҳияти ўзаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашнинг принципиал жиҳатдан янги шакллари ва имкониятларини очади, фуқаролик жамияти барпо этилиши ва мустақамланишига қўмаклашади, иқтисодий ислохотлар ва мамлакатнинг

¹Каримов И. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади”. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 20 январь 2012 й.

демократик ривожланиши жараёнларини жадаллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида 2013—2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръати мақсадли параметрлари 1-иловада келтирилган бўлиб, бунда 2016 йилгача мамалкатимизда хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари ҳудулар бўйича тақсимлаб чиқилган ва бунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси 2011 йилга нисбатан 2 баравардан ошиши мақсад қилиб қўйилган



1.2.4-расм. Ўзбекистонда маълумот узатиш тармоғи ва Интернет провайдерлари ва операторлари умумий сони¹

Юқоридаги расмда шуни кўриш мумкинки мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулай муҳит, ҳамда эркин рақобат шароитида маълумотлар узатиш тармоғи ва Интернет провайдерлари ва операторларининг сонини ошишига олиб келди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан телекоммуникация операторларининг сонини камайишига сабаб,

¹Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари (www.ccitt.uz)

² «Uztelecom» акционерлик компанияси маълумотлари.

бозордаги операторлар ўзаро бирлашиб, ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда.

1.2.1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея телеком-муникация
хизматлари ҳолати таҳлили.**

Уланиш усули ва абонентлар сони		Ўзбекистон Республикаси (2012й.)	Жанубий Корея(1995-2008 йй.)	Жанубий Корея (2012й.)
Кенг полосали Интернетга уланган абонентлар сони	Симли	147,760 (0.53/100)	1999 (0.578/100)	(36.6/100)
	Симсиз	Приблизительно 5,130,000 (18.4/100)	2005 (25/100)	(91/100)
Телефон абонентлари сони	Симли	1,927,735 (6.74/100)	-	(59.2/100)
	Симсиз	25,441,789 (91.65/100)	2008 (91/100)	(105.4/100)
Интернет фойдаланувчилари сони		8,827,800 (307/1,000)	1999~2000 (238~414/1000)	(837/1000)
Хўжаликларда Интернетга уланишни таъминлайдиган қурилмалар сони (ШК ва х.к.)		(9.8/100)	1995 (10.9/100)	(81.8/100)
(.UZ)доменлар сони		13,386	1997~1998	140,000

Уларнинг ривожланиш тенденциялари шунда яққол кўринадики, ахборот оқимларининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан камида икки баробар юқоридир. ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси - миллий иктисодиёт соғломлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси томонидан 2012 — 2016 йилларда кўрсатиладиган янги турдаги хизматларнинг таққослама параметрлари 2- иловага мувофиқ келтирилган бўлиб , телекоммуникация хизматлари вилоят лар бўйича тақсимооти келтирилган.

140 база станциялар ўрнатилди ва 5 коммутация марказлари қурилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида мобил тармоқ

орқали хизматлар кўрсатиладиган аҳоли пунктлари сони 8 440 та, аҳолини тармоқ билан қамраб олиш даражси 71 фоизга етди.

1.2.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация хизматлари
кўрсатувчи йирик операторлар.¹

Операторлар	Тавсиф
«Uztelecom» АК	-2000 йилда халқаро телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи “Khalkaro Telekom” ва маҳаллий телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи “Makhallii Telekom” провайдерларининг бирлашиши натижасида вужудга келган давлат томонидан бошқариладиган йирик телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи телекоммуникация оператори; -Ўзбекистондаги симли ва симсиз телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи йирик оператор; -Мамлакат ички телекоммуникация хизматларини 98%ни ва халқаро телекоммуникация хизматларини 96% ни, ҳамда Интернет, сунъий йўлдошли ТВ, симсиз CDMA технология асосида мобил алоқа ва бошқа хизматларни кўрсатади; -Чет эл корхоналар билан тузилган қўшма корхоналарда улушга эга(Buzton, Chirkom, Perfectum Mobile, East Telecom ва б.)
«East Telecom» ҚК	-Компания 2003 йил сентябр ойида Eastwell SA (Буюк Британия) (51%), «Uztelecom» АК ва Elix-Cable (Россия) (19%) корхоналари ўртасида қўшма корхона сифатида ташкил қилинган 2004 йилда NGN тармоғини қурди, 150 км оптик толали кабел тармоғини яратди. -2007 йил Korea Telecom (КТ) и Sumitomo, Япония компаниялари мос равишда 51% ва 34% қисмини харид қилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари.

Дунёнинг юксак ривожланган етакчи мамлакатлари ахборот-коммуникация технологиялари миллий иқтисодиётининг иқтисодий конъюнктура таъсири остида бўлмаган энг динамик соҳаси ҳисобланади. Мобил алоқа хизматларини ривожлантириш мақсадида, хусусан, CDMA стандартидаги мобил тармоқлар орқали кенг полосали маълумотларни узатишни ташкил этиш мақсадларида:


1.2.3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа хизмалари бозорининг ҳажми ва абонентлар сони, 01.07.2012 й ҳолатига¹

Кўрсаткич	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	06/2012 й.
Бозорнинг умумий ҳажми (млн. сўм)	337,629.2	602,805.5	1,056,506.3	1,174,144.7	1,392,950.0	1,641,205.5	950,157
Бозор умумий ҳажмининг провайдерлар улуши бўйича тақсими келтирилмаган							
Абонентлар сони (киши)	2,720,005	5,888,175	12,650,073	16,738,321	22,660,031	25,441,789	25,344,750
МТС (абонентлар улуши,%)	53,34%	47,62%	44,64%	42,26%	38,77%	36,54%	34.35%
Билайн (абонентлар улуши,%)	28,18%	37,33%	30,29%	24,30%	26,67%	29,74%	33.00%
Ucell (абонентлар улуши,%)	13,93%	11,71%	22,90%	31,52%	33,15%	32,24%	31.27%
Perfektum Mobile (абонентлар улуши,%)	4,29%	3,18%	1,99%	1,70%	1,19%	1,11%	0.86%
UzMobile (абонентлар улуши,%)	0,26%	0,16%	0,18%	0,22%	0,22%	0,37%	0.52%

¹ Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари.

Мамалкатимиз ҳудудларида аҳолига юқори сифатдаги замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мақсадида Асосий хизмат турлари бўйича 2013 – 2016 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилган.3-иловага мувофиқ кўриш мумкинки, 2016 йилгача қишлоқ жойларда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш даражаси 2011 йилга нисбатан 2 баробар ошади.



1.2.5-расм. Ўзбекистон Республикасида “UZ” зонасида рўйхатга олинган доменлар сони¹

Шаклланаётган глобал ахборот жамиятида Ўзбекистон Республикаси муносиб ўринни эгаллашга интилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳукумати томонидан ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уларни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида

¹Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари.

жорий этиш, ҳамда фойдаланишнинг стратегик устуворликлари белгиланди.

Юқоридаги келтириб ўтилган мақсадли стратегик режалар ва ташкил қилинган институционал органларнинг саъйи ҳаракатлар натижасида қуйидагиларга эришилди.

2012-йилда "Uztelecom" АК телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва замонавий хизматларни жорий этиш бўйича қатор катта инвестиция лойиҳаларини амалга оширди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 – йилги инвестиция дастурига мувофиқ:

- Бойсун - Денов ва Ургут – Шаҳрисабз йўналишларида 175 км оптик-толали алоқа линиялари қурилди ва фойдаланишга топширилди;

- халқаро коммуникация марказларининг сиғимлари 2 баробарга оширилди;

- халқаро пакетли коммуникация маркази ўтказиш қобилияти 4 баробарга оширилди, бу эса халқаро Интернет тармоғига уланиш тезлигини 40 гбит/с гача оширишга имкон берди. Бу ўз навбатида, кенг полосали Интернет фойдаланувчилари сонини оширишга ва хизматларга тарифларни пасайтиришга имкон беради;

- халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги ўтган йилга нисбатан 61,0 фоизга ошди ва 7780 мбит/с ни ташкил қилди;

- 1 мб/с ташқи Интернет-каналнинг нархи 409 АҚШ долларини ташкил этди, бу 2012 – йилнинг шу даврга нисбатан 25 фоизга пастдир;

- янги авлод тармоқлари технологиялари (NGN) асосида аҳолига замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатиш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш учун маҳаллий телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган 292,05 минг рақамли коммутация станцияларини модернизациялаш амалга оширилди.

CDMA -450 мобил тармоғи абонентлари сони 200 мингдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1855-сонли "Ўзбекистон Республикаси 2013 – йилгамўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида"ги фармониға мувофиқ:

1. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, қишлоқ жойларида EV-DO технологиясини қўллаш билан CDMA – 450мобил тармоғини ривожлантириш" лойихаси амалға оширилиши бошланди, унинг доирасида қўшимча 201 база станцияларини ўрнатиш кўзда тутилган, бунинг натижасида CDMA – 450тармоғи билан қамраб олиш даражаси 84 фоизға етади.


Шу билан бирға, қишлоқ телефон тармоғини рақамлаштириш даражаси 100 фоизға етади.

2. Кенг полосали мултисервис хизматларини (шу жумладан, IPTV, видеотелефония, юкори тезликдаги интернет, HDTV каналларини томоша қилиш ва бошқалар) кўрсатиш учун "FTTX-технологиялари асосида кенг полосали оптик-толали тармоқларни кенг ривожлантириш" лойихаси доирасида қўшимча 110 минг портларни ўрнатиш режалаштирилган.

Бугунги кунға келиб, "TSHTT" филиали томонидан 2 075 та биноғача 598,8 км оптик-толали алоқа линиялари ўтқизилганлигини айтиб ўтиш зарур. Тошкент шаҳридаги 873та бинода FTTB технологиялари асосида сиғими 22344 портлар билан аҳолиға хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

3. "Ўзбектелеком" АК магистрал тармоқларини Ўзбекистон Республикаси туман марказларигача кенгайтириш ва резервлаш" лойихаси доирасида алоқа каналлари ўтказиш қобилиятини ошириш ва резервлаш режалаштирилган:

- халқаро йўналишларда 100 гбит/с гача (10 баробар);
- вилоят марказларигача 40 гбит/с гача (4 баробар);
- туман марказларигача 10 гбит/с гача (10 баробар).




1.2.7-расм. TAS-IX тармоғида трафик алмашиш ҳажми, Тб¹

Юқоридаги расмда TAS-IX тармоғи пайдо бўлгандан бери, бу тармоқда қанча ахборот алмашганини кўриш мумкин. Бундай юқори кўрсаткичлар бевосита миллий валютани четга чиқиб кетигинини олибгина қолмасдан, балки маҳаллий контентни ҳам ривожланишига олиб келади, яъни маҳаллий провайдерлар ва операторлар мамлакат ҳудудидаги абонентлар эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб, ахборот ресурсларини шакллантира боришади.

¹“TAS-IX”- маълумотларни ўзаро узатиш маркази маълумотлари.


3.Ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари бозорининг ҳолати



1.3.1-расм. 2012 йилда жаҳоннинг энг йирик 15 та ахборот-коммуникация технологиялари бозори, млрд. АҚШ доллари

Замонавий жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари мамлакат ривожланиш даражаси ва ахборот-коммуникация технологиялари салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ўртасида ўзаро тор алоқа мавжудлигини исботламоқда, шу жумладан жаҳон ўргимчак тўри ахборот ресурсларидан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам.

Жаҳонда мобил Интернет хизматлари ривожланиш тенденциялари. Экспертларни баҳолашига кўра, 2013 йилдан бошлаб дунё бўйича мобил Интернет абонентларини сони Интернет тармоғига кенг полосали фиксирланган уланиб фойдаланадиган абонентлар сонидан ошиб кетади ва 2014 йил якунигача 2 миллиардгача етиши мумкин.



1.3.2-расм. 2012 йилда дунёда АКТ бозори ривожланаётган 15 та мамлакат

Таҳлил натижаларига кўра персонал компьютердан HSPA (юқори тезликда пакетли маълумот узатиш) уяли стандартидан фойдаланиб Интернетга чиқадиган фойдаланувчиларни умумий кенг полосали уланишни амалга ошириб уланадиган фойдаланувчилар орасидаги улуши Европада 2008 йил якунига кўра 11,6% ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларига кўра HSPA ва LTE технологиялари бўйича компьютерга уланиб Интернетга чиқиш хизматидан фойдаланувчилари сони 2008 йили олдинги йилга нисбатан 74% фоизга ўсган ва 14,6 млн. фойдаланувчини ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳар йили 30% дан ўсиши ва 2014 йилга келиб 70 млн. фойдаланувчига етиши кутилмоқда.

Жаҳонда ахборот коммуникация технологиялари учун сарфланган маблағлар 4-иловага мувофиқи келтирилган бўлиб, бунда 2012 йилда ўсиш суръатлари ва 2014 йил прогнозлари келтирилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари - шартли равишда айтганда, «иккинчи даражали» иқтисодиёт ҳисобланади. Уларнинг ўзига хослиги ахборот-коммуникация технологиялари хизматидан фойдаланаётган

бошқасоҳалар самарадорлигини ошириш салоҳиятига эга эканлиги билан белгиланади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ва ривожланаётган дунёда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самараси 1,5 коэффициент билан баҳоланади. Бошқача айтганда, соҳага киритилган бир доллар инвестиция ижтимоий маҳсулотнинг 1,5 долларга қўшимча ўсишини таъминлайди. АҚШда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори - 2 дан 6 долларгача баҳоланади.

Телекоммуникация технологиялар сармоя қўйиш учун фавкулотда фойдали соҳахисообланади. АҚШқишлоқ хўжалиги департаменти эркин тадқиқотларига кўра, телефон тармоқларини ривожлантиришдан олинаётган унумдорлик инвестицияларнинг ўзидан 6 марта ошади, Франция алоқа илмий-тадқиқот институти ҳисоб-китоби бўйича эса бу кўрсаткич 7,5 мартадан ортади.

Ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида ахборот-коммуникациятизимларини жорий этиш асосида ҳукумат муассасалари вакиллари, унинг институтлари ва барча даражалардаги тартиб-қоидалари билан ҳокимият улар олдида ўз фаолияти учун пировард натижада жавоб берадиган фуқаролар вауларнинг бирлашмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларини қайта тиклашнинг кўпроқ ёки камроқ белгилангануруниши ётади. Ушбу босқичда кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу масалада қуйидаги муайян реал натижаларни кузатиш мумкин:

- ҳукумат органлари билан фуқаролар ўртасидаги янада тенг ҳуқуқли ва ҳақиқий ҳамкорлик муносабатлари;

- энг кам харажатлар сарфланган ҳолда тақлиф этилаётган давлат хизматлари ва дастурларининг кўпроқ самарадорлиги ва юқори роқсифатининг оптимал комбинациялари;

- ҳукумат фаолияти очиқ-ошкоралигининг янги даражасини акс эттирувчи ва шу сабабли унга бўлган ишонч ҳиссини

оширувчи фуқароларнинг ҳукумат тузилмалари билан янада эркинроқ ўзаро ҳамкорлиги;

- мураккаб тушунчаларни тушунарлироқ ва пировард фойдаланувчилар учун қулайроқ қилиш имкониятларининг амалдар ўёбга чиқарилиши.

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш бўйича чет эл мамалкатлари тажрибасига қўшимча сифатида Канада, Жанубий Корея ва Германия давлатларида “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш бўйича тажрибаларини кўриб чиқиш мумкин.

Канада. Канадада Электрон ҳукумат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш 1998 йилда бошланган. “Ҳукумат онлайн” деб номланган лойиҳа 2004 йилда якунига етказилган. Онлайн давлат портали Ғазначилик Кенгаши Котибияти томонидан ишга туширилган бўлиб, 28 дан ортиқ давлат идоралари билан ўзаро алоқада фаолият олиб борган, ҳамда Канада фуқароларини “рақамли аср”га ўтиш жараёнини таъминлаш мақсадини кўзда тутган.

Бу ташаббус узоқ муддатли лойиҳа бўлиб, фуқароларга ҳукумат билан ўзаро алоқа алмашиши, ахборот олиши, турли хил дастурларда иштирок этиши, давлат хизматларидан фойдаланиши, ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида Канада давлат идоралари билан тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш имкониятини берган.

Бугунги кунда ҳукуматнинг дастурлари ва хизматлари, ҳамда Канаданинг барча давлат ташкилотлари билан боғланиш ҳақидаги ахборот ҳукумат портали орқали мавжуддир. (<http://www.canada.gc.ca>.)

Канада фуқаролари реал вақт режимида портал имкониятларидан фойдалана оладилар ва молиявий битимларни тузишлари мумкин. Бу ташаббус Канадаликларни бирлаштириш деб номланган кенг миқёсдаги стратегиянинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Бу лойиҳа доирасида ҳукуматнинг қонунчилигига ва сиёсатига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, бу ўзгаришлар Интернетга уланиш жамоат жойларини

ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ жойларда кенг полосали Интернетга уланишни таъминлаш мақсадлари кўзда тутилган эди.

Германия. Германияда “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш лойиҳаси “Интернет ҳар бир киши учун” деб номланган. Лойиҳа амалга оширишда шундай ғоя илгари сурилган эдики, ахборотлашган жамиятни барпо бўлиши фақатгина барча фуқаролар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлганда содир бўлади. “Ҳар бир инсон учун” лойиҳаси Федерал ҳукуматнинг асосий устунликларидан бири ҳисобланади.

Лойиҳа ўнта аниқ чора тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган, хусусан:

- компьютер саводхонлиги умумий таълимнинг бир қисмига айлантириш;
- мактабларни шахсий компьютерлар билан таъминланишига ҳомийлик қилиш;
- маҳаллий даражада рақобатнинг кучайтирилиши;
- Bund Online 2005 ташаббуси – электрон ҳукуматни яратиш. Ташаббуснинг мақсади – Интернет орқали федерал маъмурият хизматларини тақдим қилиш ва электрон тижоратни ривожлантирилиши, ҳамда ахборот хавфсизлигини оширилиши;
- Германияни электрон янгилаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказилиши.

Германияда дастурий таъминотни ўрганиш, ривожлантириш, фойдаланиш, кенг оммалаштириш, сифатли ўқитиш мақсадида “Таълимнинг янги усули” номи дастур амалга оширилган.

Шу билан бирга Initiative Germany 21 номи дастур тузилган бўлиб, бу Германиядаги энг катта хусусий ҳамкорлик жамияти ҳисобланади. Бу иқтисодий ташаббус тадбиркорлик, сиёсат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги 300 дан ортиқ субъектларни ўзига жамлаган. Дастурнинг мақсади – Германияни ахборотлашган жамиятга ўтишини тезлаштиришга

кўмаклашиш.

Жанубий Корея. Электрон ҳукуматни яратиш орқали мамлакатни ахборотлаштириш жараёни 1987 йилда бошланган. Шу даврда 1987-1996 йилларга мўлжалланган миллий компьютерлаштириш дастури ишлаб чиқилган. 1999 йилга келиб 1999-2002 йилда амалга ошириш кўзда тутилган Cyber Korea 21 номли – Электрон Корея 21 дастури қабул қилинди. 2001 йилда эса электрон ҳукумат тўғрисидаги дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Электрон ҳукумат тизимини яратишдаги биринчи босқичда ҳукумат ҳужжатларини рақамли форматда сақлаш кўзда тутилган эди. Иккинчи босқичда ахборот-коммуникация технологияларини давлат органларида фаол фойдаланишга ўтилишини кўзда тутган. Учинчи босқич – асосий ҳукумат фаолият жараёнларини ягона хизмат (“ягона ойна” тамойили) асосида интеграциясини амалга ошириш кўзда тутилган. Электрон ҳукуматни жорий қилиш учун асос бўлиб Электрон ҳукуматга босқичма-босқич ўтиш йўналтирилган 11 та муҳим йўналишлар ҳисобланади.

2010-2011 йилларда дунёда ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиш индекси 5-иловада келтирилган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикаси 102 ўринни эгаллаган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2 поғона юқоридир.

2012 йилда электрон ҳукуматни жорий қилиш ва ривожланиш даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтинги 6-иловада келтирилган бўлиб, унга кўра мамалкатимиз Электрон ҳукумат жорий қилиш бўйича 91 ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Электрон ҳукумат” концепцияси амалга ошса жаҳон ҳамжамиятида бу кўрсаткич яна бир неча ўн поғоналарга кўтарилишига шубҳа йўқ. Мамалкатимизда 2013-2017 йилларда Электрон ҳукумат концепцияси амалга оширилиш режалаштирилган.

**Ўзбекистон ва Жанубий Корея ахборот-коммуникация
технологиялари соҳалари ривожланишининг таққослама таҳлили¹**

АКТ соҳалари	Кўрсаткичлар		Ўзбекистон Республикаси(2012й.)	Жанубий Корея (1995-2005 йй.)
Электрон хукумат	Электрон шаклда давлат органларидан рухсатнома олиниши (%)		40%	2000 (54.9%)
	Давлат секторида электрон тўловларнинг улуши (%)		-	1998 (19.3%)
	Давлат ташкилотлари ходимлари ўртасида электрон почтанинг мавжудлиги (%)		100	2001 (100%)
	Электрон хужжат алмашинуви (мамлакат миқёсида)		Мавжуд эмас	Мавжуд
Коммуникация инфратузилмас и	Кенг полосали телекоммуникаци я хизматлардан фойдаланувчи абонентлар (ҳар 100 та фуқарога нисбати)	симли	0.53/100	1999 (0.58)
		симсиз	18.4/100	25/100
	Телефон абонентлари (ҳар 100 та фуқарога нисбати)	симли	6.47/100	Маълумот мавжуд эмас
		симсиз	91.7/100	91/100
	Интернет фойдаланувчиларда		30.7/100	41.1/100
	шахсий компьютерлар сони (ҳар 100 та фуқарога нисбати)			
Ахборот технологиялари саноати	доменлар сони (.uz)		13,386	26,166
	Электрон қурилмалар ишлаб чиқариш соҳаси		Электроникани йиғиш (комплектация)	1980 йилдан бошланган
	Дастурий маъсулотлар саноати		238 та дастурий таъминот яратувчи корхоналар	1990 йилдан бошланган (ERP тизимларни қўллана бошланган)
	Экспортда ахборот- коммуникация технологиялари хизматлари ва товарларининг улуши		4.6% в 2011 (690МН\$/15МД\$)	32% в 2001 (48.3МД\$/150.4МД\$)
	Ахборот-коммуникация технологияларига		2011 йилда 2,000	1998 йилда 16,000

¹Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси маълумотлари.

	ихтисослашган олий ўқув юрталарини битирувчилари		
--	--	--	--

Эришилган яққол натижа сифатида “ягона ойна” тамойилини қўллаш асосида давлат хизматларини ҳукумат портали (www.egov.go.kr) орқалитакдим қилинаётганини кўриш мумкин. Бу порталда 4000 дан ортиқ оммавий хизматларни ахборот тиъминоти, ҳамда 393 та онлайн хизматларнинг кўрсатиш таъминланмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра хизматлар кўрсатила бошланган даврдан 5 йил ичида 30% хизматлар кўрсатиш жараёнида давлат 1,44 млрд. долл. Маблағни тежаб қолган.

I боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида келтирилган фикрлар ҳақида хулоса шундан иборатки, ахборотлаштириш ва ялпи глобаллашув даврида “Электрон ҳукумат” (e-Governance) тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фукаролик жамиятининг муҳим институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ажойиб воситасидир. Бу бобда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ўрни, ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари бозорининг ҳолати каби масалалар ёритилиб берилди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки хусусий компаниялар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда менежментнинг самарадорлигини жиддий равишда оширишга муваффақ бўлган экан, ҳукумат ўз мақсадларига самаралироқ эришиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялариечимларидан фойдаланган ҳолда давлатбошқарувида қўллаш муҳимдир.

II боб. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиш ҳолати ва таҳлили

1. Мамлакатимизда ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини тартибга солиб турувчи қонунчилик базаси сифатида қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги базавий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар;
- ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича қонун ости ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарор ва Фармойишлари, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг қонун ости ҳужжатлари ва ш.к.)
- ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлга ҳалқаро битим ва шартномалар.

Назорат қилувчи сиёсатни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот технологияларини қўллаш ва кенг жорий қилиш ва дунё ахборот жамиятига кириш учун қулай шароит яратиш каби масалаларни ўз олдига қўяди.

Қонунларни бажарилиши ва назорат сиёсатини амалга ошириш мақсадида ахборот коммуникация технологиялари соҳасини турли томонидан ривожланишига жавоб берувчи институтлар ташкил қилинган. Компьютерлаштириш ва ахборот–коммуникация

технологияларини ривожлантириш соҳасида олий орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари томонидан бошқариладиган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчиденга хисобланади.

Мувофиқлаштирувчиденганинг ишчи органи бўлиб, давлат томонидан ахборот коммуникация технологиялари соҳаси назоратини амалга оширувчи махсус давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси хисобланади ва ушбу қўмита Ўзбекистон Республикаси ахборот ва телекоммуникация технология соҳасини лицензиялаш бўйича қонунчиликка асосланган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юридик шахсларнинг фаолият турларини лицензиялашни амалга оширади.

Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хусусий сектор манфаатларини 2005 йил охирида ташкил қилинган ва 50 дан ортиқ компания ва фирмаларни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси амалга оширади.

Интернет тармоғини ривожлантирилишига нисбатан давлат “Ўзбектелеком” АК га уланишни ташкиллаштириш мутлоқ ҳуқуқини бериб, халқаро маълумот узатиш тармоғига уланишни марказлаштирилган тамойилини сақлаб қолди.

Умуман олганда Ўзбекистонда алоқа соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи норматив ва институтчионал база яратилган. Ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини фаол ривожланиши, янги технологияларнинг ривожланиши ва қонунларни реализация қилиниши тажрибаси давлат томонидан норматив базани доимий равишда такомиллаштирилиб боришини талаб қилади. Хусусан ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётнинг турли соҳаларига

жорий қилиниши, мисол учун соғлиқни сақлаш ва давлат бошқарувига ёки электрон тижорат ҳажмининг ўсиши билан мос равишда тартибга солувчи янги шароит ва муносабатлар вужудга келади. Мисол учун шахсий маълумотларни ҳимоясини таъминлашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080 сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологияларининг соҳаларга жорий қилиш ва уларни ривожлантириш борасида қўйилган қадамлар ҳисобланади.

Жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ахборот коммуникация технологияларинидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар орасида тезкор мулоқат ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматлардан кенг қамровли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августидаги 181-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари ҳақидаги Низом» ва «Базавий интерактив давлат хизматлари реестри» тасдиқланган.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Миллий дастур ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Жумладан:

«2010 йилга бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури».

«1999-2003 йиллар Ўзбекистон Республикаси миллий маълумотлар узатиш-тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш дастури».

«2002-2010йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури».

Институтционал органлар.Миллий стратегиява ҳаракатлар режаси бажарилишини ташкил қилиш учун қуйидаги органлар тузилди:

- Компьютерлаштиришва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш;

- Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси;

- «UzInfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази;

- «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази;

- Тошкент ахборот технологиялар университети;

- ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази;

- «Ўзбекистон Республикаси Хукуматига Ўзбекистонни ривожлантириш учун ИКТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда кўмаклашиш» лойиҳаси (ICTP);

- Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг жаҳон минерал хом ашё бозорида кўплаб йўналишлар бўйича мустаҳкам ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалар бўйича Давлат захира баланси берган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида 1645 та фойдали қазилма ҳудудлари мавжуд.

Мавжуд ривожланган инфратузилма шароитида геологик кидирув жараёнида замонавий технология ва методларни қўллаш, ҳамда ўзаро манфатли шартлар асосида Республика ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги табиий бойликлардан фойдаланишда максимал натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси олтин захиралари бўйича дунёдаги етакчи мамалкатлар рўйхатининг бешлигига, қазиб олиш бўйича эса кучли ўнликка киради. Республика ҳудудида мавжуд барча турдаги минерал хом-ашё захиралари 1,3 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури доирасида тоғ-кон саноати тармоқларидаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида улкан ишлар бажарилди.

Ўзбекистонда қаттиқ фойдали қазилмалар 43 турининг 700 дан ортиқ конлари, шу жумладан мис, рух, молибден, волфрам, литий, стронций, томирсимон жойлашган кварц, ҳамда техник кремний ишлаб чиқариш учун кварцитлар, минерал тузлар, фосфоритлар, тошкўмир ва қўнғир кўмир, ўтга чидамли ва керамик хом-ашё, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар сингари жаҳон бозорида талаб юқори бўлган фойдали қазилмалар қидириб топилган.

Фойдали қазилмаларнинг айрим турлари бўйича прогноз ресурслар, қидириб топилган ресурслардан анча ортиқдир, шу жумладан

полиметаллар ва цемент хом-ашёси бўйича - 2 баравар, волфрам бўйича - 6 баравар, фосфорит руда ва базалт бўйича - 10 баравар, томирсимон жойлашган кварц ва кварцитлар бўйича - 50 баравар ортиқдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичида минерал ресурслар ҳолатини баҳолаш муҳим аҳамиятга касб этади. Бунда минерал хом-ашё базаси ҳолатини баҳолашда аниқланган захиралар ва геологик ўрганилганлик даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳадаги ишларни амалга ошириш бўйича ваколатли орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом-ашё базасини такрорий ишлаб чиқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кон муносабатлари соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

- ҳудудларни минтақавий геологик ўрганиш юзасидан комплекс тадқиқотлар сифатли амалга оширилишини таъминлаш, ҳамда фойдали қазилмалар захираларини прогнозлаштиришнинг замонавий технологияларини ва илғор усулларини кенг қўллаган ҳолда давлат геологик суратга олиш ишларини тизимли олиб бориш асосида геологик ахборотларнинг ҳолисоналигини ва ишончлилигини ошириш;

- қўмита корхоналари томонидан бажариладиган гидроминерал ресурслар, қаттиқ норуда фойдали қазилмалар, қора ва камёб металлар, камёб ер элементлари, фойдали қазилмаларнинг янги (ноанъанавий) турлари конларини қидириб топиш, баҳолаш ва разведка қилиш самарадорлигини оширишни таъминловчи геологик-қидирув ишларини сифатли прогноз қилиш ва б.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиққуйидаги функцияларни бажаради:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудини геологик жиҳатдан ўрганилганлигини таҳлил қилади, бунда минтақавий геологик тадқиқотларни ва амалдаги картографик асосларнинг давлат томонидан геологик суратга олишларнинг янги материаллари, бошқа тадқиқотлар натижалари билан янгиланганлик даражасини ҳисобга олади;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар билан биргаликда минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш, уларни янада кенгайтириш, мустахкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, улардан оқилона ва комплекс фойдаланиш стратегияси, ҳамда ушбу мақсадлар учун зарур бўлган давлат инвестициялари ва бошқа инвестициялар ҳажмлари ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

- республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш прогнозларини ишлаб чиқишда, республиканинг минерал-хом-ашё базасини ривожлантириш ва такрорий ишлаб чиқариш, ерости бойликларини муҳофаза қилиш давлат дастурларини, ерости бойликларини геологик ўрганиш ва муҳофаза қилиш ҳалқаро дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида қатнашади;

- тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ерости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун ерости участкаларидан фойдаланиш (чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш мақсадида ерости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялардан ташқари), алоҳида қўриқланадиган геологик объектлар ҳосилаларидан фойдаланиш, ҳамда товланадиган тош хом-ашё,

палеонтологик қолдиқлар намуналарини ва бошқа геологик коллекция материалларини тўплаш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беради;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда, фойдаланиш учун берилган ер ости бойликлари участкаларининг давлат ҳисобини юритади, ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини ва ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказди;

- ҳам давлат маблағлари ҳисобига, ҳам ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига ўтказилган геология-қидирув ишлари натижасида олинган геологик ва фойдали қазилмаларнинг барча турлари бўйича ер ости бойликлари тўғрисидаги бошқа ахборотларни ҳисобга олади, сақлайди ва тизимлаштиради;

- ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини олиб бориш юзасидан лойиха-смета ҳужжатлари экспертизасини ташкил этади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди ва б.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида геологик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек конларни қидириш ва разведка қилиш, ҳамда углеводородларни қазиб олиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали лицензия бериш жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу лицензия олувчи талабгорларга қўшимча қулайликлар яратиб, лицензия олиш жараёни такомиллашади.

"Давлат бошқаруви органларига, шунингдек потенциал инвесторларга саноат йўсинида ишлатилмаётган объектлар бўйича ер ости бойликлари участкалари тўғрисида геологик ахборотни ва бошқа ахборотни белгиланган тартибда тезкор тақдим этиш мақсадида фойдаланиладиган ГИС-технологиялар асосида қаттиқ фойдали қазилмалар конлари бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини ташкил этиш" - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 25 июндаги 142-сонли "Геология-қидирув ишлари олиб боришга ва қаттиқ фойдали қазилма конларини ишлатишга инвестицияларни янада жалб этишчора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган.

Бу ишларни амалга ошириш илғор ахборот технологияларини, хусусан, геологик ахборотларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, қайта ишлаш, тақдим қилиш ва моделлаштириш вазифаларини амалга оширадиган замонавий дастурий таъминотлар, техник воситалар ва технологик усулларни жорий қилиш орқали амалга оширилади.

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хусусан, геология ва тоғ-кон саноати ривожланишига қулай инвестицион муҳит яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини геологик ўрганиш 1920 йилдан бери ўтказишга бўлиб келган ҳисобга олинса, шу давр ичида улкан ҳажмдаги иқтисодий аҳамиятга эга бўлган геологик ахборотлар тўплангани эътироф этиш мумкин.

Бир биридан узоқ масофада жойлашган корхоналар ва қўмитанинг марказий аппарати билан геологик қидирув ахборотлари билан оператив алмашилиш талаб қилади. Бу эса ўз навбатида юқори технологик телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб қўмитанинг корпоратив ахборот тармоғини яратишни тақозо қилади.

Қўмита тизмидаги барча корхоналарда ҳимояланган электрон почтадан фойдаланган ҳолда, хат ёзишмаларини ахборот хавфсизлиги таъминланмоқда.

Корпоратив ахборот тизимининг бир элементи сифатида қўмита тизимдаги давлат корхоналарида электрон ҳужжат алмашинуви жорий қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида маълумотларни тезкор алмашинувига, ҳужжат лойиҳалари устида ҳамкорлик асосида иш олиб борилишига, қоғоз ва офис жихозлари сарфини камайишига, ходимларнинг вақтини тежалишига, ҳамда ҳужжат алмашинувида ижро интизомини яхшиланишига олиб келади.

Мунтазам равишда қўмита ходимларини компьютер саводхонлиги ва махсус геологик дастурий таъминотлар бўйича ўқув курсларида ўқитилиши амалга оширилмоқда. Бу ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг “ГИДРОИНГЕО Институти” ДК ва “Минерал ресурслар илмий тадқиқот институти” ДК да ташкил қилинган бўлиб, бу ўқув курсларда соҳа мутахассисларининг малака оширилиши таъминланмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларни тадбиқ қилишдаги мавжуд муоммолар

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш ва ривожлантириш бўйича аниқ меъёрий ҳуқуқий баъза шаклланган бўлиб, етарли даражада моддий техник база ва ахборот-коммуникация инфратузилмаси мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг марказий аппаратида барча мутахассисларнинг иш ўринлари шахсий компьютер билан таъминланган, локал ҳисоблаш тармоғи яратилган, бухгалтерия ва ҳоимлар бўлимлари каби таркибий бўлинмалар фаолияти автоматлаштирилган, қўмита таркибидаги ҳудудий давлат корхоналари билан электрон почта ташкиллаштирилган, марказий аппарат мутахассислари учун маълумотларни электрон омбори яратилган.

Қўмита таркибига кирувчи ҳудудий корхоналарда белгиланган конунчилик асосида рўйхатдан ўтган геология ва кадастр ахборот ресурслари яратилган ва фойдаланилмоқда.

Марказий аппарат ва қўмита таркибига кирувчи давлат корхоналарида “Рахбар”, “Ёрдамчи”, “Девонхона”, “Ижро интизоми”, “Ижрочи” каби автоматлаштирилган иш жойлари ва бошқа электрон иш юритиш ва ҳужжат айланиш тизимлари яратилган.

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш керакки, Ўздавгеолқўм тизимида ҳозирда қўмитадаги геология, кадастр ва бошқа ахборот ресурсларини ўзида мужассамлаштирадиган ягона интеграциялаштирилган корпоратив ахборот тизими яратилмаган. Ҳозирги кунгача яратилган автоматлаштирилган иш жойлари ва ахборот тизимлари ўртасида ўзаро алоқа мавжуд эмас.

Ўздавгеолқўм таркибидаги давлат корхоналарида турли хил технологияларни қўллаган ҳолда бир қанча локал ҳисоблаш тармоғини яратишган. Бу тармоқларнинг барчаси Ўздавгеолқўм таркибидаги корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун яратилган бўлиб, тармоқни яратишнинг ягона мақсадли ёндашуви мавжуд бўлмагани сабабли, яратилган тармоқлар бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда ва улар ўртасида алоқа мавжуд эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан Ўздавгеолқўм фаолиятини самарадорлигини янада ошириш мақсадида ягона ахборот муҳитини яратишга қаратилган, ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий ютуқларини қўллашни кўзда тутган ривожланишнинг янги босқичига ўтиш талаб қилинмоқда.

Бугунги кунда қўмитада ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора тадбирлар ва эришилган ютуқлар билан бирга, комплекс ечимини талаб қилаётган муоммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

- давлат бошқарув органларида, хусусан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот тизимларини яратиш ва фойдаланиш тартиби бўйича ягона талабнинг мавжуд эмаслиги;

- “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаси доирасида Давлат бошқарув органлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ахборот тизимларини ўзаро интеграциясини амалга ошириш бўйича амалий тажриба етишмаслиги;

- “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаси доирасида давлат бошқарув органлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси функцияларини автоматлаш жараёнида ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган масалалар пухта ишлаб чиқилмаганлиги, бунинг натижасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий

қилиш ва ривожлантириш бўйича чора тадбирларнинг паст суръатлар билан амалга оширилаётганлиги;

- давлат геология қўмитаси фаолиятида хорижий давлатлар дастурий махслотларидан кенг фойдаланилиши.

II боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертация ишининг иккинчи боби Ўзбекистон Республикасида ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожланиш ҳолати ва таҳлилига бағишланган бўлиб, бунда миллий иқтисодиётимиз тармоқларидан бири бўлган геология соҳасида, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш масалалари кўриб чиқилган, тармоқда мавжуд муаммолар ва республикада ахборот коммуникация технологиялари соҳасини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳуқуқий база ҳақида фикрлар келтириб ўтилган.

III боб. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг истиқболлари

1. Ўзбекистон Республикасида жорий қилинаётган «Электрон ҳукумат» тизими лойиҳасининг асосий йўналишлари

Давлат аппаратини ислоҳ қилиш ва тегишли жараёнларни ишончли норматив-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашнинг муҳимлигини инкор қилмаган ҳолда биз ахборот-коммуникация технологияларини, тегишли инфратузилма ва ушбу тизимларда ишлаш учун профессионал тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги бошқарувни «электронлаштириш» тизимларини жорий этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган асосий шарт эканлигини эътироф этишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устуворлиги сифатида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишини мувофиқлаштириб туради.

Ахборот жамиятини ривожлантиришнинг стратегик асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- телекоммуникациялар инфратузилмасини ва Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;
- аҳолини компьютер техникаси ва тегишли тармоқ ресурслари билан жиҳозлаш бўйича ривожланган мамлакатлар даражасидан мавжуд қолоқликни бартараф этиш;
- дастурий таъминотнинг миллий саноатинини барпо этиш;
- мамлакатнинг ягона ахборот маконини ташкил этиш учун зарур бўлган миллий ресурсларни шакллантириш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;

- ахборот-коммуникация технологияларини ва тегишли техник воситаларни стандартлаштириш ва сертификациялашни ривожлантириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- тегишли инвестиция ва инновация лойиҳалари устувор молиялаштирилиши ва кредит берилишини таъминлаш.

Ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув жараёнига жорий этиш ва “Электрон ҳукумат” тизимини амалга ошириш авваламбор, қуйидаги натижаларга олиб келади: биринчидан, давлат аппаратининг ички самарадорлигини ошириш; иккинчидан давлат бошқарув аппарати фаолиятини таъминлашга йўналтириладиган пул маблағларини тежаш ва бюджетни самарали бажарилиш самарадорлигини ошириш, учинчидан жамият муносабатларини бошқаришни янги механизмининг яратиш. Бунда давлат бошқарув аппарати тизимининг шаффофлиги ва ахборот очиклигининг ошиши давлат ва жамиятнинг ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланади.

Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этишнинг асосий йўналишларда сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича яхлит стратегияни ишлаб чиқиш ва уни босқичма босқич амалга ошириш.

2. Ахборот-коммуникация технологияларини ва “Электрон ҳукумат” тизими элементларини жорий қилиш орқали ташкилотларнинг ички ва идоралараро ўзаро алоқалари самарадорлигини ошириш.

3. Фуқаролик жамияти асослари ва бошқарувнинг демократик анъаналарини яратиш ва ривожлантириш, давлат бошқарув органлари фаолиятини фуқаролар ва бизнес соҳасининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тамойилни жорий этиш.

4. Давлат бошқарув органлари ахборот очиклигини ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан

фойдаланиб(Интернет орқали), умумий фойдаланиш учун мўлжалланган давлат ахборотларини жамият учун фойдаланиш имконини яратиш ва ахборот ҳажмини ошириш.

5. Ҳар бир давлат бошқарув органи фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро электрон алоқасини таъминлайдиган аниқ қоидалар тизимини қонунчилик билан мустаҳкамлаш. Давлат бошқарув ёки маҳаллий ҳокимият органлари сайтлари орқали фуқароларнинг мурожатлари ва сўровларини расмийлаштириш бўйича шакл ва механизмларни аниқлаш, мурожатларни кўриб чиқиш вақти, қониқарли ёки қониқарсиз жавоб олиш учун қандай асослар мавжудлиги, шикоят қилиш тартибини белгилаш.

6. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва давлат бошқарув органларида “Электрон ҳукумат” тизими лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бюджетдан мақсадли молиялаштиришни ажратиш.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишда ижобий натижа кўрсатган чет эл давлатлари тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, бу давлатлар ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун давлат бюджетининг ҳар йили 1%дан 4% гача қисмини ажратишади.

7. Давлат бошқарув тизимида инсон ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириш.

8. Идоралар ахборот тизимларини интеграциясини таъминлайдиган, кўп функцияли ҳукумат веб-порталини яратиб ягона инфратузилмани таъминлаш.

Яратилган ҳукумат порталидан (www.gov.uz) ҳукумат фаолияти ҳақидаги умумий ва ўзига хос характердаги ахборотларни тарқатиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ҳозирда портал орқали тақдим қилинаётган ахборотлар ҳажмини кўпайтириш, ҳамда идоралар веб-сайтини ривожлантириш зарур. Бунда, ахборотларни янада самарали ташкил қилган ҳолда ҳукумат порталини (www.gov.uz) фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, Ирландия ҳукуматининг веб-сайти, ноанаънавий усулда яратилган бўлиб, бунда

давлат идоралари ҳақидаги маълумотлар эмас, балки аҳоли учун қизиқарли бўлган маълумотлар: қандай иш топиш ёки қандй уй сотиб олиш мумкин, қандай қилиб ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш мумкин ёки сайловларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш керак каби турли хизматлар ҳақидаги маълумотлар ҳукумат веб-сайтида жойлашгандир. Фойдаланувчи ўзини қизиқтирган маълумотга мурожат қилиш жараёнидан сўнггина керакли вазирлик ва идораларнинг веб-сайтига йўл кўрсатилади.

Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўплаб мамалакатлар аҳолисининг кундалик ҳаётига тобора кенгрок жорий этилмоқда. Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда реал кўрсатилаётган ушбу тизим хизматларидан айримлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловларни; даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳоказоларни амалга ошириш;

- ижтморий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар вақарзлар олиш;

- шахсий ҳужжатларни – паспортлар, ҳайдовчилик ҳуқуқини вабошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;

- фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйичарўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома бериш;

- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик масалаҳат беришхизматлари;

- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тестсиновидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;

- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва ҳоказолар);

- олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, ҳайдовчилик ҳуқуқини олишга имтиҳонлар топшириш, масофадан туриб ўқитишусули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш вабошқалар;

- даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн расмийлаштириш;
- ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш вақўплаб бошқа нарсалар.


Ахборот-коммуникация технологиялари тизимларининг давлат бошқарувига кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассасаларига келишлари заруриятини анча қисқартиради, истиқболда эса – бундан бутунлай халос қилади.

Умумий мўлжалда гап G2C нимтизимида муносабатларнинг ўзигахос “реинжиниринг”ни амалга ошириш ҳақида бормоқда, яъни G2C нимтизими биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иший ўлида – бизнес субъектларидан ҳар бирининг раванқ топиши, бинобарин, бутун мамлакатнинг раванқ топиши учун уларнинг тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантириш. Муносабатларнинг ушбу нимтизимида қуйидагилар реинжинирингнинг асосий субъектлари ҳисобланади: бюджет ва солиқларнинг тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар. Бунда ушбу ва бошқа масалалар бўйича давлатнинг бизнес сектор билан мавжуд директив ва назорат қилувчи муносабатларини маданиятлироқ, ўзаро шериклик муносабатлари оқимларига кўчириш.

Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи унинг моддий-техник ва ахборот-коммуникационасоси сифатида иш кўради.

Мазкур схемада келтирилганлардан кўриниб турибдики, ушбу корпоратив тармоқ ўзида ҳукумат тармоғи ичида давлат муассасалари ўртасида ахборот айирбошланишини ҳам, давлатнинг

фуқаролар, бизнес сектори ва Интернетнинг глобал ресурслари орқали бошқаташқи фойдаланувчилар билан алоқаларини ҳам таъминлайдиган комплекс техник, технологик ва ташкилий воситаларни ифодалайди.



3.1.1-расм. Давлат бошқарув органларининг корпоратив тармоғи

Муносабатлар ва алоқаларнинг ушбу тизимида ҳал этиладиганасосий вазифалар:

- давлат бошқаруви органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумотлар базасини ягона тизимга интеграциялаш;
- ҳужжатлар айланишини оптималлаштириш;
- давлат қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш.

Турли мамлакатларда ривожланишнинг ҳар хил даражаларида ушбу вазифалар ҳар хил ҳал этилади. Бироқ шунга қарамай, бир қанча умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мактаблар, кутубхоналар, бошқа оммавий муассасаларни Интернетга улаш (Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг маҳалласингари ажойиб институти мавжудлигини ҳисобга олиб давлат бошқарувининг тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланишнинг бирламчи пунктларини айнан мана шу даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир);

- Интернетдан фойдаланишнинг оммабоп муассасалари ва пунктларини ташкил этиш (one-stop shops, Интернет-киоск ва ҳоказолар);



3.1.2-расм. Давлат ҳокимият органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолати, 01.01.2012й. ҳолатига.¹

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ташкилий чора тадбирларни амалга ошириш.

Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот тизимларини яратиш ва интерактив давлат хизматларини жорий қилиш бўйича эҳтиёжни аниқлаш мақсадида ҳар йили функционал таҳлилни ўтказиш;

- ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ҳар йилги қўмита режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

Бу чора тадбирлар қуйидаги шакл ва механизмлар орқали амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида ахборот тизимларини, ахборот ресурсларини яратиш ва интерактив давлат хизматларини кўрсатиш учун қўмита фаолиятини, мақсад ва функцияларини таҳлил қилиш ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасига киритиш;

¹Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси

- таҳлил натижаларига кўра тасдиқланган ҳужжатларга қўшимчалар киритиш, ҳамда ҳар йили қўмита томонидан ишлаб чиқиладиган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш дастур ва режеларига қўшимча ахборот ресурслари ва интерактив давлат хизматларини қўшиш бўйича қўшимчалар киритиш;

- мавжуд камчиликларни бартараф этишни кўзда тутадиган ва тармоқда ахборот тизимларини жорий этиш, давлат ахборот ресурсларини ва давлат инетрактив хизматларини жорий қилиш бўйича аниқ лойиҳаларни кўрсатган ҳолда чора тадбирлар режаси ҳужжати лойиҳасини тузиш, ҳамда бу чора тадбирларни молиялаштириш манбасини кўрсатиш;

Бу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- тармоқда ахборот тизимларини тадрижий ривожланишини таъминлаш ва кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини кенгайтириш;

- тармоқни ахборот тизимларини ривожланишини мувофиқлаштирилиши;

Ахборот–коммуникациятехнологиялари инфратузилмасини ривожлантириш. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида лицензияланган дастурий маҳсулотлар, айниқса маҳаллий дастурий маҳсулотлар ёки очик кодли эркин тарқалган дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни кенгайтириш;

Бу чора тадбирлар қуйидаги шакл ва механизмлар орқали амалга оширилади:

- бепул тарқалишини ва ўрнатилишини кўзда тутадиган очик кодли операцион тизимларни кенг жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

Бу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- тармоқни ахборот тизимларида лицензион шаффофликка эришиш. Бошқа давлат бошқаруви органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши учун шароит яратилиши. Маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш.

Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.Шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси рахбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича бошланғич кўникмаларини шаклланиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ахборот-коммуникация технологиялари мутахассисларини махсус ўқув курсларида, хусусан ахборот хавфсизлиги ва хорижий тиллар бўйича малакасини ошириш ва сертификат олишини таъминлаш;

Бу чора тадбирлар қуйидаги шакл ва механизмлар орқали амалга оширилади:

- қўмита рахбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича бошланғич кўникмаларини шакллантириш бўйича ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

- қўмита ходимларини компьютер саводхонлигини баҳолаш тизими минимал талабларига мувофиқлиги бўйича аттестациядан ўтказиш;

- қўмита учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича курсларини тақдим қилаётган ўқув марказларини рағбатлантириш, ҳамда махсус ўқув курсларида таълим сифатини ошириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

Бу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- қўмита раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини пайдо бўлиши ва ривожланиши;

- қўмитани юқори малакали мутахассислари билан таъминланиши;

Ҳукумат порталини ривожланишига кўмаклашиш ва қўмита веб-сайтини ривожлантириш. Хусусан:

- ҳукумат портали орқали давлат бошқарув органлари ўзаро ҳамкорлиги асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив давлат хизматларини кўрсатишни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- давлат бошқарув органларида Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини, хусусан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларининг сон ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари ва механизмини ишлаб чиқиш.

Бу чора тадбирлар қуйидаги шакл ва механизмлар орқали амалга оширилади:

- янги интерактив хизматларни жорий қилиш, ахборот ва техник таъминотни ошириш, ҳукумат порталининг асосий йўналишларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталини 2020 йилгача янада ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси бўйича таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасига киритиш;

Бу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- маълумотларни электрон шаклда алмашинувини тўлиқ таъминлаш, хусусан, хизматларни кўрсатиш ва уларга тўловларни қабул қилиш, муружатларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқарув органлари билан ўзаро алоқасини ягона уланиш пунктлари асосида ўзаро алоқасини соддалаштириш;

- тармоқда Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадолигини ошириш, ҳамда кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини сифатини ошириш.

Қўмита томонидан кўрсатилаётган давлат интерактив хизматларини ошириш. Бунда фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига, ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган лицензиатларга қулайлик яратиш мақсадида қўмита расмий веб-сайти орқали давлат интерактив хизматларини тақдим қилиш.

Ахборот хавфсизлиги талабларини таъминлаш.

Ахборот-коммуникация технологияларини аҳоли ўртасида ва кишлоқ жойларда кенг оммалашувини таъминлаш. Миллий ахборот-қидирув тизими, маҳаллий ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий оммабоп ахборот ресурсларини ривожланишида, ҳамда Интернет тармоғида миллий сегментни янада ривожланишида иштирок этиш.

Бу чора тадбирлар қуйидаги шакл ва механизмлар орқали амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга қуйидаги масалалар бўйича таклиф тайёрлаш ва киритиш:

- миллий-ахборот қидирув тизимини ривожлантириш;

- миллий ижтимоий тармоқларни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш;

- қўмитанинг ва қўмита тизимидаги давлат корхоналарининг веб-сайтларини қўмитада олиб борилаётган ислохотлар ҳақидаги ахборотлар билан тўлдириб бориш;

- тармоқнинг давлат ахборот ресурсларини янада ривожланиши учун шароит яратиш;

Бу чора тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- аҳолининг кундалик ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини кенгайтириш, аҳолини ахборотга бўлган талабини маҳаллий ахборот ресурслари билан қондириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида “Электрон ҳукумат” тизими доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни тадбиқ қилиш натижасида эришиладиган иқтисодий самара

Чет эл мамлакатлари тажрибасини кузатиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш орқали қуйидаги самарага эришиш мумкин:

- давлат бошқарув органлари фаолияти ички самарадорлигини ошириш, интеллектуал салоҳият ва техник базадан янада самарали фойдаланиш;
- давлат тузилмалари харажатларини 20-25% қисқартириш ва давлат харажатларини самарадорлигини ошириш;
- жамият муносабатларини янги механизмларини яратиш ва фуқароларни ҳукумат қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирокини ошириш.

“Электрон ҳукумат” тизимини амалга ошириш иқтисодиётнинг барча тармоқлари, ҳамда жамият ҳаётининг барча бўғинларига комплекс таъсир қилади.

Лицензия бериш тартиби, сертификатлаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш жамиятда ва бизнес соҳасида, шунингдек давлат

бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасида ахборот алмашув жараёнини тезлаштиришга олиб келади. Бунинг натижасида давлат бошқаруви самарадорлиги ошади, иқтисодиётдаги жараёнларни мониторинг қилиш, ҳамда ушбу жараёнларни бошқариш бўйича ўз вақтида қарорлар қабул қилиш учун янги имкониятлар яратилади.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ташкиллаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиниши маъмурий харажатларни, шу жумладан бу муассасалардаги техник ходимларни иш жойларини бир қисмини қисқартирган ҳолда харажатларни қисқаришига олиб келади.

Алоҳида давлат ахборот ресурсларини (хусусан, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа давлат идоралари) ягона тизимга интеграция қилиниши муҳим аҳамият касб этади ва бу жараён хўжалик субъектларини қонунга зид иш қилишларини камайиши, солиқ тўловларини тўлашдан бош тортиш каби қўплаб қонунбузарликларни камайишига олиб келади.

Бизнес соҳасида “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш доирасида ахборот узатиш ва электрон ҳужжат алмашинуви замонавий усуллари жорий қилишни кўзда тутилган чора-тадбирлар турли хил битимларнинг амалга ошириш, бизнес субъектларини давлат бошқарув органлари билан ўзаро алоқасига сарфланадиган вақтини тежалишига, ҳамда транзакцион харажатларни қисқаришига ва корхона рақобатбардошлигини оширишига олиб келади.

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш Ўзбекистон Республикасини жаҳон коммуникация ва стандартлар тизимига интеграция қилинишини тезлаштиради, ҳамда етарли даражада ва зарур шарт шароит яратади. “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш республикани глобал ахборот тармоғида иштирокини кенгайтиришга, халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки кўламини ва йўналишлар турларини кенгайтиришга имконият яратади.

Юқоридаги қайд этилган самараларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш доирасида турли хил лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда.

Бундай лойиҳалардан бири сифатида “Замонавий технологиялар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корхоналарини ахборот таъминоти тизимини такомиллаштириш” мавзuidaги лойиҳани кўрсатиш мумкин. Бу лойиҳани диссертация объекти сифатида кўрилиб таҳлил қилинишига асосий сабаб, юқори технологик телекоммуникация қурилмаларини қўллаган ҳолда қўмитанинг корпоратив ахборот тизимини яратиш кўзда тутилганлигидандир, ҳамда бу корпоратив ахборот тизимини мамлакатимизда амалга оширилаётган “Электрон ҳукумат” тизимининг бир қисми сифатида эътироф этиш мумкин.

Лойиҳадаги вазифаларни бажариш тартиби ва амалга ошириш методикаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг корпоратив ахборот тизимини яратишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий ресурсларни ягона умумдавлат ялпи автоматлашган ҳисобини юритадиган ва баҳолашга хизмат қиладиган, бундан ташқари давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолиятлари учун зарур бўлган геологик ва кадастр маълумотлар билан оператив таъминлаб турадиган техник-технологик, ахборот-коммуникациявий асосини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тасдиқланган лойиҳанинг “Геологик вазифа”сида куйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1. “Давлат геология ахборот маркази” давлат корхонасида яратиладиган маълумотларни қайта ишлаш марказига қўмита таркибига кирувчи ҳар бир корхонадан иш жойларинини ягона тизимга улаган ҳолда, барча қўмита тизимидаги корхоналар ва марказий аппарат ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш.

2. Қўмита фаолиятига электрон иш юритиш ва ҳужжат айланиш тизимини, ҳамда ҳимояланган электрон почта (Е-хат)ни жорий қилиш;

3. Тармоқда ички ахборот портални яратиш ва жорий этиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 март 2012 йилдаги №ПП-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қароридаги талабларга мувофиқ, миллий ахборот тизимига интеграциясини таъминлайдиган кадастр ва геологик ахборотларни марказий базасини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш;

5. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Лойиҳанинг асосий методик тавсифлар ва геологик вазифалар. «Давлат геология ахборот маркази» давлат корхонасида яратиладиган маълумотларни қайта ишлаш марказига қўмита таркибига кирувчи ҳар бир корхонадан иш жойларини ягона тизимга улаган ҳолда, барча қўмита тизимидаги корхоналар ва марказий аппарат ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш. Бу вазифани амалга ошириш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

- тизимдаги корхоналарни техник қуролланганлигини, маълумотлар узатиш каналларини, Интернетга уланиш усулларини, иш жойларида барқарор электр қуввати мавжудлигини таҳлил қилиш ва маълумотлар узатишни физик каналлини, Интернет провайдерларни танлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси виртуал ҳимояланган ажратилган тармоғини (VPN) яратиш учун дастурий таъминотни етказиб берувчини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив тармоғини яратишда техник воситалар бўйича

таҳлил ўтказиш ва таклиф ишлаб чиқиш (серверлар, телекоммуникация и бошқа қурилмалар);

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив тармоғини RH 45-170:2004. сонли раҳбарий ҳужжат (Вазирлик ва идораларда локал ва корпоратив тармоқни яратишнинг асосий техник талаблари. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 12.01.2005й. №5-сон буйруқ билан қабул қилинган) талабларига асосан яратиш. Шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив ахборот тизими магистрал транспорт тизимини VPN асосида ташкиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив ахборот тизимида маълумотларни сақлаш тизими ва корпоратив почта хизматини жорий қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив ахборот тизимида ахборот хавфсизлиги тизимини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ички ахборот порталини яратиш ва жорий қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси корпоратив ахборот тизимини яратишда автоматлаштириладиган фаолият турлари қуйидагилар:

- қонунчилик асосида, геологик ва кадастр маълумотларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнлари, ҳамда марказий маълумотлар омборини яратиш ва Web-технологияларни қўллаган ҳолда фойдаланувчиларни маълумотлар омборидан on-line усулда фойдаланишларини таъминлаш (фақат интеграциялашган маълумотлар омборининг оммавий қисмида);

- ягона ERP-тизимга молиявий хўжалик фаолият вазифаларини интеграциялаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва

минерал ресурслар кўмитаси бошқарув фаолиятида қўлланиладиган маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнлари (фақат интеграциялашган маълумотлар омборининг оммавий қисмида);

Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижа. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси ягона корпоратив ахборот тизимини марказлаштирилган лойиҳалаштириш ва барпо этиш сиёсатини қўллаш қуйидаги натижаларга олиб келади:

- барча турдаги корпоратив геологик ва кадастр маълумотларни тақдим қилишнинг замонавий технологияларини қўллаш имкониятини яратади(фақат интеграциялашган маълумотлар омборининг оммавий қисмида), шу жумладан маълумотларни Интернет (VPN) орқари тақдим қилишни ҳам.

- кўмита тизимида ҳимояланган электрон почта ва электрон иш юритиш ва ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиб кўмита ички ва ташқи фойдаланувчилар билан маълумот алмашишини таъминланади;

- кўмита тизимидаги корхоналардаги ахборот ресурсларни ва ахборот тизимларини ягона корпоратив ахборот тизимига интеграциялашуви ва унинг асосида соҳанинг ягона ахборот маконини яратиш(фақат интеграциялашган маълумотлар омборининг оммавий қисмида);

- қонунчилик асосида корпоратив ахборот тизимни Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрининг ягона давлат кадастрлари тизими билан интеграцияси таъминланади;

- қонунчилик асосида, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси Корпоратив ахборот тизимини Миллий ахборот тизимига ички ахборот портали улаш орқали юридик ва жисмоний шахслар геологик ва кадастр маълумотлари омборидан фойдаланиш бўйича идоралараро ахборот алмашинуви ва хизмат кўрсатиш таъминланади;

Бундан ташқари, корпоратив ахборот тизимини яратилиши геологик ва кадастр ахборотларидан фаол ҳолда фойдаланиш имконини яратади, қўмита тизимидаги турли корхоналарда тўпланган маълумотларни бирлаштирган ҳолда соҳанинг аниқ мақсадга йўналтирилган ягона ахборот маконини яратишга имкон беради.



3.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида яратилаётган корпоратив ахборот тармоғининг мантиқий схемаси.¹

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Корпоратив ахборот тизимининг республика даражаси Тошкент шаҳридаги ахборот узатиш тармоғи, марказий ва захира тармоқ боғламаларини, қўмита корхоналарини улаш тизими, ҳамда шаҳарлараро ва ҳалқаро маълумот узатиш тармоғига уланиш таъминловчи тармоқ боғламаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибидаги Тошкент шаҳридаги корхоналар телекоммуникация

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси маълумотлари.

хизматлари операторлари боғламаларига IP транспорт канални ижарага олган ҳолда уланадилар

Ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш капитал қўйиламаларини талаб қилади. Бу харажатлар тақрибига техник қурилмаларни харид қилиш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатларини ўз ичига олади. Шу сабабли ахборот тизимларини жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги иқтисодий асослашни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдан қўйиладиган самарадорлик ҳисобланишини тақозо этади. Автоматлаштирилган тартибда ишлайдиган тизимларнинг самарадорлиги сифатида маълумотларни шакллантириш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида техник қурилмалар ва ҳисоблаш воситалардан мақсадли фойдаланиш тушунилади.

Ўз навбатида фактик ва ҳисобланадиган самарадорликни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Ҳисобланадиган самарадорлик ахборотни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиришни лойиҳалаш босқичида аниқланади, яъни техник лойиҳани ишлаб чиқиш вақтида ҳисобланади.

Фактик самарадорлик техник ишчи лойиҳани жорий қилингандан сўнг олинган натижаларга кўра аниқланади.

3.3.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида яратилаётган корпоратив ахборот тизими учун зарур техник қурилмалар ва дастурий таъминотлар ¹

№	Кўрсаткич	Нархи
	Маълумотларни қайта ишлаш маркази, жаъми:	\$2 542354,84
1	Тармоқ қурилмалари	\$1 050 000,00
2	Сервер қурилмалари	\$278 689,84

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси маълумотлари.

3	Дастурий таъминот	\$157 465,00
4	Антивирус	\$15 600,00
5	Геологик ахборот тизимлари (ArcGIS)	\$1 040 600,00

Шу нарса аниқланганки, қанчалик бошқарув жараёнлари автоматлаштирилган бўлса, шунча техник қурилмалар ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланилмоқда.

Лойиҳанинг амалга оширишда маълумотларни қайта ишлаш марказини ташкил қилиш учун зарур техник қурилмалар ва дастурий таъминотларнинг қиймати.

3.3.2-жадвал.

Телекоммуникация операторидан VPN канални ижарага олиш харажатларни ҳисоби (Телекоммуникация хизматларнинг нархи «Uztelecom» АК "Uzonline" филиали тарифлари мисолида)

№ п/п	Кўрсаткич	Сони	Нархи, сўм	Умумий нархи, сўм
	Бир мартталик харажатлар			
1	Уланишни рўйхатдан ўтказиш			
2	Абонент модеми билан уланишни рўйхатдан ўтказиш, сўм	25	30,000.00	750,000.00
	Хар ойлик харажатлар			
	VPN хизмати			
1	Республика бўйича ҳар бир уланган нукта учун абонент тўлови, сум	11	130,000.00	1,430,000.00
2	Тошкент шаҳри бўйича ҳар бир уланган нукта учун абонент тўлови, сум	14	100,000.00	1,400,000.00
5	Жаъми ҳар ойлик VPN хизматлари			2,830,000.00

Жаъми бир мартталик харажатлар, сўм 750,000.00

Жаъми йиллик VPN хизмати ижарасига харажатлар, сўм 33,960,000.00

Бу лойиҳа 2011 йилдан 2017 йиллар оралиғида амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бу лойиҳани жорий қилиш натижасида олинadиган иқтисодий самара корпоратив ахборот тизими амал қила бошлагандан сўнг, ахборот тизими жорий қилинишигача бўлган даврдаги харажатларни таққослама таҳлили натижасида аниқланади.

3.3.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар
қўмитасида қоғоздан фойдаланиш бўйича маълумот

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	Фарқ (%)
1.	Қоғозни харид қили бўйича	-	-	-	-
1.1	Жаъми харид қилинган қоғоз миқдори	кг	12453,44	9032,10	-27,47%
1.2	Жаъми харид қилинган қоғоз қиймати	минг сўм	65290,51	52169,35	-20,01%
1.3	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган миқдорда харид қилинган қоғоз қиймати	минг сўм	79,332	73,478	-7,38%
2	Қоғозни сарфлаш бўйича	-	-	-	-
2.1	Жаъми сарфланган қоғоз миқдори	кг	10752,34	7726,08	-28,15%
2.2	Жаъми сарфланган қоғоз қиймати	минг сўм	55601,12	46038,84	-17,2%
2.3	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган сарфланган қоғоз қиймати	минг сўм	67,56	64,84	-4,02%
3	Канцтовар харид қилиш учун сарфланган маблағ	минг сўм	124795,96	113232,8	-9,27%

Лойиҳани амалга ошириш натижасида олинadиган иқтисодий самарани бевосита ва билвосита усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида бевосита усуллардан бири сифатида қўмита тизмида қоғоз сарфланиши мисолида ҳисоблаб кўриш мумкин. 2011-2012 йилда қоғоз сарфланиши динамикасини кўрсак, электрон ҳужжат алмашинувини жорий қилиш

натijasида қозоз сарфи, қоғоз сарфи учун сарфланган маблағларни
жадвалда кўриш мумкин.

3.3.4.-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар
қўмитасида электрон ҳужжат алмашув тизимидан фойдаланиш
самарадорлиги бўйича маълумотлар

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2011 йил			2012 йил		
			Жаъми	Шу жумладан		Жаъми	Шу жумладан	
				Марказий аппарат	Қўмита тизимидagi корхоналар		Марказий аппарат	Қўмита тизимидagi корхоналар
1	Жаъми корреспонденциялар сони шу жумладан:	дона.	384 906	49 332	335 574	10386	2538	7848
		кг.	1 925	247	1 678	52	13	39
	а) кирувчи.	дона.	178 423	22 525	155 898	5598	1584	4014
	б) чикувчи.	дона.	206 483	26 807	179 676	4788	954	3834
2	Электрон ҳужжат алмашув тизими фойдаланувчилар сони	дона.	70	62	8	95	62	33
3	Электрон ҳужжат алмашув тизимида рўйхатдан ўтган ёзишмалар сони, шу жумладан:	дона.	52 099	11 323	40 776	3596	979	2617
		кг.	261	57	204	17	4	13
	а) кирувчи.	дона.	19 217	4 406	14 811	1892	456	1436
	б) чикувчи.	дона.	32 882	6 917	25 965	1704	523	1181
4	Электрон ҳужжат алмашув тизимида ги ёзишмаларни умумий ёзишмалар сонидаги улуши (п.3:п.1x100)	%	14	23	12	35	39	33
5	Электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар сони	дона.	26	5	21	37	6	31
6	Факат электрон шаклда қабул килинган ва жўнатилган ёзишмаларнинг сони жаъми, шу жумладан:	дона.	98 941	11 829	87 112	5121	1516	3605
		кг.	495	59	436	26	8	18
	а) қабул килинган;	дона.	66 577	5 136	61 441	2748	766	1982
	б) жўнатилган.	дона.	32 364	6 693	25 671	2373	750	1623

7	Умумий қабул қилинган жўнатилган ёзишмаларнинг умумий ёзишмалар сонигаги улуши (п.7:п.1x100)	%	26	24	26	49	60	46
---	--	---	----	----	----	----	----	----

Корпоратив ахборот тизимининг бир мтизими бўлган ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат алмашинуви тизимини жорий қилиш натижасида эришилган иқтисодий самарани қуйидаги маълумотлар асосида таҳлил қиламиз.

III боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрлар келтириб ўтилган. Бунда Ўзбекистон Республикасида жорий қилинаётган «Электрон ҳукумат» тизими асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида «Электрон ҳукумат» тизими доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни тадбиқ қилишдан олинadиган иқтисодий самара таҳлил қилинган ва ёритиб берилган. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, бошқариш учун сарфланадиган бюджет харажатларини оптималлаштириш, ҳамда одатий жараёнлар бўлган ахборотни излаш, маълумотномалар, ҳисоботлар, таҳлиллар тайёрлаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига сарфланадиган маблағларни қисқартирган ҳолда операциялар харажатларни камайтириш. Давлат бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигининг оширилиши натижасида олинadиган бевосита иқтисодий самара қайта ишлаш мурожатларнинг сонини ошириш, йиғиладиган солиқларнинг ҳажмини ошириш ва шу кабилар орқали ифодалаш ушбу бобда кўрилди.

Хулоса

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юқори технологик телекоммуникация тармоғини қўллаш орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Телекоммуникация тармоғини реконструкция ва модернизацияқилиш натижасида бугунги кунга келиб, мобил алоқа, ахборот узатиш, халқаро Интернет тармоғига уланиш, электр алоқа хизматлари сифат жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланди. Натижада соҳанинг ЯИМ гақўшган улуши ўсиб, чет эл ва маҳаллий инвесторларни кенг миқёсда жалб этиш имконияти ошди.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўшимча капитал қўйилмалари мавжуд бўлмаган шароитда янги билим ва малакадан фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкин;

- ахборотга асосланган, ҳамда маданий ва маънавий кадриятлар билан мувофиқликда бўлган билимлар мустақил кучга айланиб, ижтимоий, иқтисодий, технологик ва маданий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди;

- билимларга асосланган иқтисодиёт, ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларнинг улкан интеллектуал ресурслари тобора

ривожланишига туртки бўлган ҳолда, уларнинг бутун дунё интеллектуал салоҳиятига тезроқ қўшилишини таъминламокда;

- ривожланган мамлакатларда ахборот оқимларининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан камида икки баробар юқоридир;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади жамият эҳтиёжлари ҳамда юзага келган давлат ахборотлаштириш сиёсати билан белгиланадиган асосий йўналишлар, усуллар ва вазифаларни акс эттиради;

- давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жихатидан кенг қўламли қайта ўзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлигини жиддий равишда ошириш, давлатнинг умуман жамият, ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради;

- ахборотлаштириш ва ялпи глобаллашув даврида “Электрон ҳукумат” (e-Governance) тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ажойиб воситасидир;

- XX асрнинг технологик инқилоблари ва улар билан бирга кечган рақобат кучайиш даврида самарали менежментни таъминлашга қодир бўлган воситаларга сифатида замонавий ахборот технологиялари воситаларини кўрсатиш мумкин;

- ахборотлаштиришнинг афзалликлари сифатида давлат аппарати ходимларининг ижодий салоҳиятини бошқарувнинг асосий функцияси – тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратиш имкониятини бериб, бошқарув аппаратини тўплаш, жамлаш ва унга дастлабки ишлов бериш бўйича кўплаб эскирган функциялар бажарилишидан бевосита озод қилишга олиб келади;

- давлат боқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари турли бўғинлари билан ўзаро ахборот алмашиш жараёнини оптималлаштириш, ҳамда ҳужжатлар тайёрлаш сифатини ошириш, ахборотни қайта ишлаш бўйича самарасиз тизимларини соддалаштириш ва интеграцияси амалга ошириш, фуқаролар ва бизнес субъектларига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва бу жараёнларни амалга оширишда юзага келадиган харажатларни қисқартириш орқали давлат бошқарув аппарати фаолиятини такомиллаштириш;

- бошқариш учун сарфланадиган бюджет харажатларини оптималлаштириш, ҳамда одатий жараёнлар бўлган ахборотни излаш, маълумотномалар, ҳисоботлар, таҳлиллар тайёрлаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига сарфланадиган маблағларни қисқартирган ҳолда операцион харажатларни камайтириш. Давлат бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигининг оширилиши натижасида олингадиган бевосита иқтисодий самара қайта ишлаш мурожатларнинг сонини ошиши, йиғиладиган солиқларнинг ҳажмини ошиши ва шу қабилар орқали ифодалаш мумкин;

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, давлат бошқарув органларининг самарадорлигини оширишга замонавий ахборот технологияларининг имкониятларига ва улар томонидан бошқарув фаолиятининг функционал ташкил этилишига қўйиладиган шарт-шароитларга мувофиқ бошқарувнинг мавжуд схемалари ва жараёнларини тубдан қайта ташкил этиш орқали эришилади. Ахборот коммуникация технологиялари хизматларини янада ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги йуналишларда амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ:

- давлат хизматлари тўлиқ интеграциялашган тизим доирасида тақдим қилиниши учун давлат идораларининг веб-сайтларини бирлаштирадиган ва давлат идоралари маълумотлар базасини интеграциясини амалга оширадиган ягона ҳукумат порталини яратишни

зарур.

- ахборот тизимларини тез ва сифатли яратиш ва жорий қилиш, ҳамда фуқаролар, бизнес соҳаси ва турли давлат идоралари билан доимий равишда малака алмашишни таъминлаш мақсадида давлат бошқарув органлари хусусий бизнес сектори билан ҳамкорлик қилишлари керак.

- давлат эҳтиёжлари учун тендер харидларни ўтказиш учун электрон шакл ва механизмларни жорий қилиш ва ресурсларни танлов асосида тақсимлаш(харид қилинаётган ресурслар нархини пасайтириш ва бюджет харажатларини камайитириш) орқали иқтисодий самарага эришиш.

- давлат ахборот тизимларида мавжуд ахборотларни йиғиш, сақлаш ва тақдим қилиш, давлат бошқарув органлари, фуқаролар ва ташкилотлар билан электрон шаклда ахборот алмашиш жараёни ва тартибини регламентлаштирадиган, ҳамда давлат ахборот тизимларидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш.

Ахборотлаштириш ва ялпи глобаллашув даврида «Электрон ҳукумат» (e-Governance) тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлайдиган воситасидир.

Ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувининг ички идоравий йўналтирилганлигидан фуқароларнинг эҳтиёжларига йўналтирилганликка ўтиши зарур.

Ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг хаддан ташқари илдамлаб кетиши ахборот-коммуникация технологиялари хизматларига бўлган талабнинг таклифга нисбатан орқада қолишига, мазкур хизматларни таклиф қилувчилар ва истеъмолчиларининг иқтисодий имкониятларида тафовут пайдо бўлишига, улар орасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори асоссиз ошиб кетишига олиб келади.

Юкорида келтирилган таҳлиллар ва олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, бугунги кунда телекоммуникация хизматлар тизими иктисодиётимизни интенсив равишда ривожланишида муҳим рўл ўйнайди, шунинг учун бу соҳани кенг ривожланишига имкониятлар яратиб бериш бўйича қуйдаги ишларни амалга ошириш таклиф қилинади:

- ахборот очиқлиги ва кенг қамровни таъминланиш. Инновациянинг ҳисобига ахборотни олиш ва фойдаланиш имконини яратиш. Шу билан бирга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар турини кенгайтириш ва аҳолини барча қатламини шу хизматлар кўратишни таъминланиш;

- мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши таъминлаш мақсадида соҳани юқори малакали кадрлар билан тўлдириб бориш, уларни малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш;

- ахборот-коммуникация технологитяларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш ва х.к.

Адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2012 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 13 январь 1992 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникация тўғрисида”ги Қонуни. 20 август 1999 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 12 декабрь 2002 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 11 декабрь 2003 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. 11 декабрь 2003 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни. 29 апрел 2004 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни. 16 декабрь 2005 йил.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари,
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлашни янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2002 йил 30 майдаги ПФ-190-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари келажақдаги ривожланишининг чора-тадбирлари” номли 2002 йил 6 июндаги ПФ-200-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли қароридаги

**III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
асарлари:**

12. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”.- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1995. - 59 б.
13. Каримов И.А. “Ватанимиз босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз”.- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2009.- 120 б.
14. Каримов И.А. “Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана”.- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2009. - 74 б.
15. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2009.- 96 б.
16. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш”. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2010.- 34 б.

17. Каримов И.А. “Бизнинг эзгу мақсадимиз тараққий топган давлатлар каторига киришдан иборат”. -Т.: “Ўзбекистон” нашриёти,2010.- 19 б.

IV. Асосий адабиётлар:

18. Арипов А.Н., Иминов Т.К. “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари менежменти масалалари”.-Т.:“Фан ва технология” нашриёти,2005. – 64б.

19. Архипова З.В., Пархомов В.А. “Информационные технологии в экономике”. – И.: “БГУЭП” нашриёти,2003.-247 б.

20. Алимов Р.Х, Ходиев Б.Ю, Алимов К.А ва бошқалар. “Миллий иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари”.-Т.: “Шарқ” нашриёти,2004.- 80 б.

21.V. Қўшимча адабиётлар:

22. Алимова Р.Х., Бегалов Б.А., Юлчиева Г.Т., Мурадова Н.К., Алимов Ш. “Иқтисодиётда ахборот технологиялари”.-Т.:“ТДИУ”,2005.- 49 б.

23. Барановская Т.П, Лойко В.И, Семенов М.И, Трубилин А.И. “Информационные системы и технологии в экономике”. М.: “Финансы и статистика” нашриёти, 2005.-37 б.

24. Зокирова Т.А., Ходиева Р.М., Шоахмедова Н.Х. “Интернет технологиялари”. Ўқув қўлланма. Т.:ТДИУ,2006.-45 б.

25. Кенжабоев А.Т., Жуманиёзова М.Ю. “Электрон бизнес асослари”. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти,2008. 49-б.

26. Симинов Ю.Ф, Панасюк Л.Н, Дроздов А.Ю и другие. “Информационные технологии в экономике”. Ростов-на-Дону.: 2003. 59-б.

27. Ғуломов С.С. “Бозор иқтисодиёти ва жамиятни ахборотлаштириш”. Т.: “Шарқ” нашриёти,1996. 82-б.

28. Ғуломов С.С. ва бошқ. “Ахборот технологиялари ва тизимлари”. Т.: “Шарқ” нашриёти, 1999. 72-б

29. Алехина Г.В. “Информационные технологии в экономике и управлении”. М.: “Финансы и статистика” нашриёти, 2002. 41-б.
30. Дика В.В. “Информационные системы в экономике”. М.: Финансы и статистика, 2007-83 б.
31. Черкасова Ю.М. ва бошқалар “Информационные технологии управления”. М.: “ИНФРА-М” нашриёти, 2001. 61-б.
32. Мельников В.В. “Защита информации в компьютерных системах”. М.: “Финансы и Статистика” нашриёти, 2010. 28-б.
33. Конюховский П.В., Колесова Ф.Н. “Экономическая информатика”. СПб.: “Питер” нашриёти, 2001. 37-б.
34. Тихомирова В.П., Хорошилова А.В. “Введение в информационный бизнес”. М.: “Ф и С” нашриёти, 2009. 97-б.
35. Шафрин. Ю. “Основы компьютерной технологии.”. М.: “ИВ” нашриёти, 1996.
36. Ходиев Б.Ю., Бегалов Б.А. “Экономическая информация: классификация, коммерческая тайна и информационная безопасность”. Т.: “Фан” нашриёти, 2002. 83-б.
37. Ходиев Б.Ю., Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. “Введение в информационные системы и технологии”. Т.: “Фан” нашриёти, 2002. 42-б.
38. Олифер В.Г., Олифер Н.А. “Сетевые операционные системы”. СПб.: “Питер” нашриёти, 2005. 539 бет.
39. В.И. Солдаткин “Преподавание в сети Интернет”. М.: “Высшая школа” нашриёти, 2003. - 792 бет
40. Шиндер, Дебра, Литтлджон. “Основы компьютерных сетей”. М.: «Вильямс» нашриёти, 2003.– 656 бет.

Илмий журналлардаги мақолалар:

41. Орлов В.Н., Яцкевич И.В. О необходимости развития малого предпринимательства в телекоммуникационной сфере. // ОНАС - Одесса, 2007. - №4. – Б.12-13.

42. Абдувохидова Ш. Интерактив давлат хизматларини шакллантириш масалалари//ICTNEWS–Тошкент, 2012. – 17. – Б. 15-16.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

43. UNDP ICT Project. “Анализ, состояния и перспектив развития Интернет в Республике Узбекистан”.UNDP- Т.2010.

44. UNDP ICT Project. “Обзор развития информационно коммуникационных технологии в Узбекистане”.UNDP– Т. 2009.

VII. Интернет сайтлари:

45. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали).

46. <http://www.infocom.uz> (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, ойлик ахборотлашган-таҳлилий журнали).

47. <http://www.edu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг).

48. <http://www.tdiu.uz> (Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг).

49. <http://www.tuit.uz> (Тошкент Ахборот Технологиялари Университети).

50. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси).

51. <http://www.ccitt.uz> (Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси).

52. <http://www.uzgeolcom.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси).

53. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги сайти, ҳузуридаги миллий қонунчилик базаси).

54. <http://www.iite.ru> (ЮНЕСКОнинг «Иқтисодиётда ахборот технологиялари»).

55. <http://www.spb.runnet.ru> (Санкт-Петербург илмий-техник ахборотлар маркази).

56. <http://www.cnit.msu.ru>(М.В.Ломоносов номли Москва давлат университетининг янги ахборот технологиялари маркази).

57. <http://www.rubricon.com>(“Ахборот-технологиялари” бизнес-маълумотномаси).